

# 2005 йил — СИХАТ-САЛОМАТЛИК ЙИЛИ!

Shu aziz Vatan — barchamizniki

# O'ZBEKISTON

# O'VOZI

IJTIMOY-  
SIYOSIY  
GAZETA



■ 2004-YIL ■ 8-DEKABR ■ CHORSHANBA ■ 147-148 (27.323) ■ uzbovozi@sarkor.uz ■ 1918-yil 21-iyundan chiqqa boshlagan.

## СОҒЛОМ ХАЛҚ, СОҒЛОМ МИЛЛАТГИНА БҮЮК ИШЛАРГА ҚОДИР БҮЛАДИ

### БҮЮК ИСТИҚЛОЛ ҚОМУСИ

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун муносабати билан 7 декабрь куни пойтахтимиздаги «Туркистон» саройида тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Унда мамлакатимизнинг сиёсат ва жамоат арбоблари, фан, маданият ва санъат намояндalари, пойтахт жамоатчилиги, юртимизда фаолият кўрсатаётган хорижий давлатларнинг элчихоналари ва халқро ташкилотлар ваколатхоналари вакиллари иштирок этдилар.

Йиғилишни Тошкент шаҳар ҳокими Р.Шоабдурахмонов очди. Ўзбекистон Республикаси Давлат маҳрибани янграйди. Конституциявий суд раиси М.Абдусаломов Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг ўн икки йиллиги тўғрисида маъруза қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов йиғилишда нутқ сўзлади.

Давлатимиз раҳбари Конституциямиз асослаб, белгилаб берган кўрсатма ва тамойилларни, олдимишга қўйган мақсад ва вазифаларни нафақат тушунтириш, тарғиб қилиш, балки ҳаётга кенг татбиқ этишнинг аҳамиятини алоҳида таъкидлади.

Мамлакатимизда тинч ва осуда ҳаётнинг ҳукм суришида, эришилётган ютуқларимиз, истиқболга ишончимиз ва юртимиз обрўсининг халқро майдонда ортиб бориши замирида Конституциямиз белгилаб берган ҳуқуқий асослар турганини бугун ҳар бир фуқаро чуқур ҳис этмоқда.

Халқимиз ва мамлакатимиз ҳаётида рўй бераётган буюк ўзгаришларнинг туб моҳияти Конституциямизда белгилаб, муҳрлаб қўйилган ҳуқуқ ва имкониятлар, асосий тамойилларни ҳаётга тўлиқ татбиқ этиш билан боғлиқдир. Zero, Бош Қонунимизда белгилаб берилган мезонлар турмуш тарзимизда, кундалик ҳаётимизда ўз аксини топа борсагина халқимиз ва давлатимиз, ҳар бир фуқаро ўз олдига қўйган эзгу мақсад-муддаларига тевроқ эришиши шубҳасиз.

Мамлакатимиз мустақиллигининг илк кунлариданоқ инсон эрки, унинг бахт-саодати бош ғоялардан бирига айланди. Инсон омилга олий қадрият сифатида ёндашиш принципти амалга кирди. Ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларини эркинлаштириш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Инсонпарварлик ғоялари билан йўғрилган ислохотлар жамиятимизнинг янада гуллаб-яшнашига, кишилар турмушининг бундан фаровонлашувига хизмат қилмоқда.

Юртошимиз бошлаган ишларимизни кенг қўламда, жадал сурьатлар билан давом эттириш борасида олдимишда турган муҳим масалаларга эътиборни қаратди.

Неча йилдирки, халқимиз янги йилни янги бир ном билан кутиб олади. Президентимиз алоҳида таъкидлаганидек, бундай эзгу аниъана замирида миллионлаб инсонлар манфаати, оилалар тотувлиги, соғлом авлод камолоти, она ва бола ҳимояси, қарияларнинг қадрига етиш, маҳалла ва хонадонлар ободлиги, кишилардаги меҳр ва муруват туйғуларини юксалтириш ҳисси мўжассам.

Яқинга етаётган Меҳр ва муруват йилида юртимизда меҳр-оқибат ва ўзаро ҳамжихатлик муҳитини янада мустаҳкамлаш, айниқса ногиронлар, ёлғиз кексалар ва кам таъминланган оилаларнинг, умуман, қўмақ ва ёрдамга муҳтож ҳеч бир инсоннинг давлат ва жамият эътиборидан четда қолмаслигига эришилди. Шу муносабат билан қабул қилинган махсус дастур юртодошларимиз ҳаётидаги катта ўзгаришлар учун муҳим асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Президентимиз Ислам Каримов кириб келаётган янги — 2005 йилни мамлакатимизда Сиҳат-саломатлик йили, деб эълон қилишни тақдир этди. Юртошимизнинг бу тақдирини йиғилганлар гулдўрос қарсақлар билан маъқулладилар.

Тантанали маросим санъат усталари ва ёш ижрочиларнинг катта концерти билан яқунланди.

(ЎЗА)

### ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИНИНГ 12 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ НУТҚИ

Ассалому алайкум, қадрли юртодошлар!  
Муҳтарам дўстлар!

Мен ҳам сиз, азизларни, сизнинг тимсолин-гизда бутун халқимизни бугунги улуг айём — Конституциямизнинг 12 йиллик байрами билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Рухсат берсангиз, Ватанимизнинг Асосий Қонуни ҳақида ҳозиргина маърузачимиз билдирган фикрларни тўлиқ қўллаб-қувватлаб, Конституциямизга, бугунги ҳаётимизга бевосита алоқаси бўлган баъзи бир масалаларга тўхталиб ўтмоқчиман.

Шу фурсатдан фойдаланиб, бугун Конституция-миз қафолатлиб берган вазифалардан энг муҳими — халқимизнинг ҳаётини яхшилаш, унинг фаровонлигини босқичма-босқич юксалтириш мақсадида қўлаётган ва қилиш керак бўлган ишларимиз ҳақида сиз, азизлар билан фикрлашиб олмақчиман.

Шу борада яқин тарихимизда кенган йўлимизга бир назар ташлайлик. Бизга эски тузумдан ҳар томонлама заиф, бирёқлама ривожланган, бошқаларга қарам бўлган иқтисодиёт мерос

бўлиб, ўлкамиз асосан арзон-гаров хомашё етказиб берадиган ҳудудга айланиб қолганини барчамиз яхши биламиз.

Эҳтиёжимиз учун зарур бўлган товарларнинг 80 фоиздан кўпроги, жумладан, галла ёки ун, шakar, гўшт ва сут маҳсулотларидан тортиб, ҳатто тузгача, деярли барча озиқ-овқат ва асосий санoат молларини ташқаридан келтиришга мажбур бўлганимизни ҳали кўпчилик эсидан чиқаргани йўқ, деб ўйлайман.

Иқтисодиётни, аввало, ишлаб чиқариш соҳаларини оқилона ташкил қилиш, уларга юксак технологияларни жорий этиш, шу асосда замонавий корхоналар барпо этиб, юқори сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш, бир сўз билан айтганда, Ўзбекистонда жаҳон андозаларига мос, халқро бозордаги рақобатта бардош бера оладиган тизимни яратиш биздан, шубҳасиз, катта вақт, меҳнат ва шижоатни талаб қилди.

(Давоми 2-бетда.)



### БРЮССЕЛДА ЎЗБЕКИСТОН КЕЧАСИ

Ўзбекистоннинг Брюсселдаги элчихонасида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 12 йиллигига бағишланган кеча бўлиб ўтди. Унда Бельгия жамоатчилиги, ишбилармон ва илмий доиралари вакиллари ҳамда ушбу мамлакатда яшаб, меҳнат қилаётган юртимиз фуқаролари иштирок этишди.

Кечани уюштиришда «Дўстлик» Ўзбекистон — Бельгия маданият ассоциацияси аъзолари жонбозлик

курлатишди. Мазкур ташкилот мамлакатимизнинг Бельгияда истиқомат қилаётган бир гуруҳ фуқаролари томонидан шу йилнинг ёзида ташкил қилинган эди. Унинг асосий мақсади ўзбек халқининг бой маданий меросини тарғиб қилиш, Ўзбекистон ва Бельгия халқлари ўртасидаги дўстона алоқаларни янада мустаҳкамлашга ҳисса қўшишдан иборат. Кечада ўзбек халқининг ўзига хос маданияти, мустақиллик йилларида ҳаётнинг турли соҳаларида қўлга киритилган ютуқлар ҳақида ҳикоя қилувчи видеофильмлар намойиш қилинди. Ёш rassom М.Абдутолипова асарлари кўргазмаси ва ёш модельер Е. Тошкенбоевнинг миллий матолардан тайёрлаган кийимлар коллекцияси кеча катнашчиларида катта қизиқиш уйғотди. «Дўстлик» болалар рақс ансамбли иштирокчиларининг мусикий дастури ҳам самимий кутиб олинди.


«Жаҳон» АА

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг Фармони

И.Р.Эргашевни Ўзбекистон Республикасининг Озарбайжон Республикасидаги Фавқуллода ва мухтор элчиси этиб тайинлаш тўғрисида

Исматилла Раимович Эргашев Ўзбекистон Республикасининг Озарбайжон Республикасидаги Фавқуллода ва мухтор элчиси этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти И.КАРИМОВ  
Тошкент шаҳри, 2004 йил 7 декабрь.



### ВАТАННИНГ ЮКСАК

### МУКОФОТЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Озод юртга, эркин ва бахтиёр халққа улугвор байрамлар ярашади. Катта шодиёналар катта тўхфалари билан янада гўзалдир. Энг улуг ва энг азиз байрамимиз — Мустақилликнинг 13 йиллиги арафасида, Президентимиз Ислам Каримовнинг фармонларига мувофиқ, мамлакатимиз равнақи йўлида фидокорона меҳнат қилиб, юртимиз ободлиги ва халқимиз фаровонлиги борасидаги эзгу ишларга улкан ҳисса қўшиб келаётган бир гуруҳ юртодошларимиз Ватанимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланган эди. 7 декабрь куни Оқсарой қароргоҳида ана шу юксак мукофотларни топшириш маросими бўлди.

— Авваламбор, сизлардек эл-юртимизнинг муносиб вакиллари билан, Ватанимизнинг энг юксак фахрий унвон ва мукофотларига сазовор бўлган инсонлар билан кўришиб турганимдан бахтиёр эканимни изҳор этмоқчиман, — деди Президентимиз. — Ҳар йили барчамиз учун муқаддас бўлиши Ўзбекистоннинг Мустақиллик кўни муносабати билан юксак унвон ва мукофотларга сазовор бўлган юртодошларимизни айнан Конституция байрами арафасида қутлаш ва табриқлаш яхши бир аниъанага айланиб қолди.

Сиз каби эл-юртимиз эъзозига мўъассар бўлган, мамлакатимиз тараққиёти ва равнақидаги ибратли ҳисса қўшаётган фидойи, заҳматқаш инсонлар билан кўришиб, ўзининг фахри-бурчимни адо этиш, сизларни баргимга босиб, Ватанимизнинг мукофотларини сиз, азизларга топшириш мен учун катта шарафдир. Афсуски, мана шу муҳташам сарой юксак унвон, орден ва медаллар билан тақдирланган барча-барча ватандошларимизни ўз бағрига сиғдиришмайди.

Аммо мен шу ҳаяжонли дақиқаларда мана шу залда тўпланган сиз, азизларнинг тимсолингизда бугун мукофотларга сазовор бўлган барча юртодошларини кўраман ва уларнинг ҳаммасини чин қалбимдан, юрагимдан қутлайман, деди Президентимиз.

Биз бугун мамлакатимизнинг энг олий мукофоти — «Ўзбекистон Қаҳрамони» деган унвон билан тақдирланган моҳир темирйўлчи-машинист Тўлқин Иброҳимов, жонқуяр муаллим Анар Маҳмудова, миришкор деҳқон Абдураҳим Ҳамидов, элимизнинг ардоқли шоири Иброҳим Юсуповнинг номини катта ҳурмат ва эҳтиром билан тилга оламиз.

Бу йил ҳам кейинги пайтда шаклланган қўлғу аниъанани давом эттириб, ўзининг фидокорона меҳнати, ноёб истеъ-

доди билан мамлакатимиз илмифани, адабиёти ва маданияти ривожига улкан ҳисса қўшган, халқимиз шухратини дунёга тараннум этган марҳум аллома ва санъаткорларимизнинг элу юртимиз олдидagi хизматларини муносиб тақдирладик.

Бетақдор санъати билан халқимиз қалбидан чуқур жой олган Наби Раҳимов, Сора Эшон-Тўраева, Ойимхон Шомуротова, Ҳожиқон Болтаев, Мухаммадҷон Мирзаев, юртимизнинг оташин куйчиси шоир Ҳамид Олимжон, мамлакатимиз математика фанининг ёрқин намояндаси академик Всеволод Романовский сингари мумтоз сиймоларнинг «Буюк хизматлари учун» ордени билан мукофотлангани ана шу ҳақиқатнинг яна бир тасдиғидир.

Шу ўринда Президентимиз Ватанимизнинг нуфузли ва юксак мукофоти — Амир Темурутдини билан тақдирланган Рустам Қосимжонов ҳақида алоҳида тўхталди.

— Оддий бир ўзбек оиласида, Тошкентнинг эски даҳаларидан бирида таваллуд топган, бир қарашда кўпчиликдан ҳеч қандай ажралиб турмайдиган, содда ва камтар, айни пайтда шахмат бўйича жаҳон чемпиони унвонини қўлга киритиб, бутун дунёни хайратда қолдирган, халқимиз ва миллатимиз номини, Ўзбекистоннинг шону шухратини юксак даражага кўтарган бу инсон бугун барчамизнинг гурури ва ифтихоримизга айланди, — деди Ислам Каримов.

Рустам Қосимжонов бугун катта умид ва орзу билан ҳаётга кириб келаётган баркамол ва етук, манаман деган давлатларнинг вакиллари билан беллашувга тайёр ёш ва на-вқирон авлодимиз учун ҳақиқий, муносиб намуна бўлиб, мен ишонаман, жаҳон шахмат оламида ўчмас из қолдиради.

Бугун мамлакатимиз мустақиллигини, юртимиз озодлигини асраш ва ҳимоялаш йўлида

муқаддас бурч ва вазифасини адо этишда мардлик кўрсатган ватандошларимизни тақдирлаш мақсадида таъсис этилган буюк саркарда Жалолiddин Мангуберди номидagi орденни илк бор мана шу юксак шарафга муносиб бўлган ҳарбийларимизга топширамиз, деди Юртошимиз.

Мана шу залда ўтирган, Ўзбекистонимизнинг юқини ўз елкасида кўтариб келаётган, ризқ-рўзимиз бунёдкори бўлиш заҳматқаш ва миришкор деҳқонларимизнинг муносиб вакиллари кутлаш ва олқишладан айниқса бахтиёрман.

Бугун бу даврада ўз ҳаётини ғоят савабли ишга бағишлаган фидойи ўқитувчи Лутфи Юнусова, ўзбек мумтоз санъатини дунё бўйлаб улуглаб, тарғиб этиб келаётган хонанда Муножот Йўлчиева, бир неча бор жаҳон чемпиони, болалар спортининг жонқуяри Еркинбой Қуттибоев сингари кўпчиликка ўрناк ва намуна бўлиб келаётган юртодошларимиз борлиги ҳаммамизга қувонч ва гурури бағишлайди.

Ўзининг чуқур маъноли асарлари билан мана шу соҳаватли заминни, унинг бетақдор табиати ва гўзаллигини, кўпмиллатли, баргирек халқимизнинг олижаноб фазилатларини тараннум этиб келаётган Александр Файнбергини «Ўзбекистон халқ шоири» фахрий унвони билан тақдирлаш барчамизга катта мамнурият этказди.

Бир сўз билан айтганда, ҳаётимизнинг барча жабҳаларида меҳнат қилаётган турли касб эгалари — қўли гул қувучи ва муҳандисларга, санoат ва ишлаб чиқариш соҳаларининг фидойиларига, мураббий ва шифокорларимизга, Ватанимизнинг тинчлиги ва ҳавфсизлигини, сарҳадларимиз дахлсизлигини кўз қорачиғидай асраб келаётган мард ва жасур ҳарбийларимизга, жаҳон майдонларида Ўзбекистон байрогини балола кўтарётган спортчи ёшларимиз вакиллари — барча-барчаларингизга Ватанимизнинг юксак мукофотларини топшириш, ҳаммамизни чин қалбимдан муборакбод этишдан ўзимни бахтиёр деб ҳис этаман.

Шундан сўнг Юртошимиз давлатимизнинг олий мукофотларини тантанали равишда топширди.

(Давоми 2-бетда.)

### ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ДИЁРИДА ҲОСИЛ БАЙРАМИ

Конституция байрами арафасида Қорақалпоғистон шаҳарлари, туманлари, овул ва қишлоқлари ўзгача руҳ, ўзгача либос билан буржанади. Меҳр ва муруват йилида қорақалпоқ деҳқонлари қишлоқ ҳўжалиги экинларининг ҳамма турларидан юксак ҳосил қўтардилар. Айниқса, пахта, буғдой, шoли, пилла ҳосилдорлиги ҳар қанчондан мўл бўлди.

Нукус шаҳрининг шимолий гарбида жойлашган отчопарда ҳосил байрами бошланди. Мингмиглаб томошабинлар йиғилган байрам тантаналари юзлаб ўтовлар тикилган, хилма-хил миллий таомлар пиширилётган майдонларда қарнай-сурнай садолари билан бошланди.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси Турсунбой Тангирбергенов бай-

рамнинг очилиш маросимида сўзлаган нутқидан шундай деди:

— Бу йил қорақалпоқ халқи давлатта 184 минг тонна пахта, 50 минг 800 тонна буғдой, 548 тонна пилла топшириб, эл-юрт олдидagi шартномавий режаларини ошириб бажардилар...

Қорақалпоғистон Республикаси Жўрғачи Кенгеси раиси Мусо Ернiёзов байрам катнашчиларини қизғин табриқлади. Шундан сўнг тантаналар санъат усталари ижросидаги концертлар, миллий спорт ўйинлари — кўчқор уриштириш, кураш тушиш, улоқ чопиш мусобақаларига уланиб кетди. Фойлибар қимматбахо буюмлар билан тақдирландилар.

Реймбой ЕШИМБЕТОВ

**ХАЛҚ БАНКИ —**  
**СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ**  
XALQ BANK

**TOSHKENT SHAHAR**  
**MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI**  
**MULKDORGA HANKORI!**  
Tel: 132-25-51, 133-46-61, Faks: 133-20-74  
WWW.tshmbn.uz E-mail: info@tshmbn.uz va Birja@mail.tps.uz

O'zbekiston havo yo'lari  
**TOSHKENT**  
XALQARO  
AEROPORTI

**ALOQABANK —**  
**aniq, tez, ishonchli!**  
Tel: 137-23-98, 137-10-20, 134-75-57, Faks: 136-76-22  
WWW.aloqabank.uz E-mail: info@aloqabank.uz

# СОҒЛОМ ХАЛҚ, СОҒЛОМ МИЛЛАТГИНА БУЮК ИШЛАРГА ҚОДИР БЎЛАДИ

## ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ ҚАРИМОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИНИНГ 12 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ НУТҚИ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Ана шу эски, мустабид, маъмурий-буйруқбозлик ва ўта марказлашган тақсимот тизимидан воз кечиб, бутун дунё яшаётган, бозор иқтисодиёти муносабатларида қурилган тизимга ўтиш, миллий давлатчилик бошқарувини ташкил қилиш, лўнда қилиб айтганда, демократик давлат, фуқаролик жамияти асосларини, эркин иқтисодиётни қуриш биз учун бутун ҳам осон кечётгани йўқ, десак, бу ҳам айна ҳақиқат бўлади.

Шундай шароитда ҳам, қандай қийин бўлмасин, ўтган давр мобайнида ҳуқуқимиз ойлик иш ҳақи, пенсиялар, стипендия ва нафақаларни ҳар йили маълум даражада ошириб боришга имкон топа олди ва имкон толмади.

Албатта, иқтисодиётдан узоқ бўлган баъзи одамлар назарида ойлик иш ҳақини ошириш ҳар қандай вазиятда ҳам энг маъқул йўл бўлиб туялиши мумкин. Биз ҳам бошқа баъзи бир давлатларга ўхшаб, реал иқтисодий шарт-шароитни ҳисобга олмасдан, ойлик иш ҳақи даражасини қайта-қайта қўлайтиришга қарор қилишимиз мумкин эди.

Лекин биргина оддий ҳақиқатни, яъни машоғуларнинг ошиши билан бозорда соғиб оладиган мол-товарлар етишмаси, бундай ҳолат фақатгина зиён етказиши, бошқача айтганда, нарх-навоҳининг ошишига олиб келишини тушуниш қийин эмас.

Нега деганда, 90-йилларнинг бошида ана шундай ҳолат рўй бергани оқибатда нархлар чегарасиз тарзда кўтарилиб кетганига барчамиз ўз ҳаётимиз мисолида гувоҳ бўлган эдик.

Бугунги кунда иқтисодиётимиздаги вазият кескин ўзгармоқда.

Кейинги йиллар давомида юртимизда амалга оширилган тўб ўзгариш ва ислохотлар натижасида иқтисодиётимиз тез ва барқарор суръатлар билан ўсиб бораётганини, сўнгги беш-олти йил мобайнида макроиқтисодий барқарорликка эришганимизни кўпгина нуфузли халқаро иқтисодиёт ва кузатувчилар ҳам эътироф этмоқда.

Ислохотларни чуқурлаштиришда, хусусий мулкка, кичик бизнес ва фермерликка кенг йўл очиб беришда, пул муомаласини, миллий валютани муҳофазатлаш йўлида, молия ва банк тизими соҳасида халқаро талабларга жавоб берадиган кескин қадамлар қўйди.

Шулар қаторида илгари четдан олиб келинадиган кўпгина товарлар ўрнига ўзимизда қурилган замонавий корхоналарда маҳаллий хомашё асосида сифатли, экспортга махсуслашган ишлаб чиқаришнинг йўлга қўйилгани, уларнинг ҳажми ва миқдорининг кўпайиши — буларнинг барчаси хорижий инвестициялар келишининг кескин қўлайишига, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларга, инфляциянинг яшиланишига, олтин-валюта захираларимизнинг ортиб боришига олиб келмоқда.

Бу борада айниқса сўммимизнинг жорий операциялар бўйича эркин конвертациясини таъминлашга қаратилган чора-тадбирларимиз бугун сўзсиз ўз ҳосили ва самарасини бермоқда. Мана шу вазият ва юришларимизни тасдиқлайдиган баъзи бир рақам ва кўрсаткичларга тўхталиб ўтмоқчиман.

Авалло, Ўзбекистон аҳолиси сон шундай йилнинг охирига бориб 26 миллионлик маррани эгаллаши кутилмоқда. Аҳолимизнинг йиллик ўсиши эса охириг беш йил давомида ўртача 101,2 фоизни ташкил этди. Реал ялпи ички маҳсулотнинг йиллик ўсиш суръатлари 104,8 фоиз, киши бошига ҳисоблаганда эса 103,5 фоизни ташкил қилди.

Халқ истеъмолчи молларини ишлаб чиқариш ҳажми 1997 йилга нисбатан тахминан икки марта қўлайгани ва пул ресурсларидан оқилона фойдаланганимизни асослаш жорий йилда инфляция суръатлари 4,0 фоиз атрофида ошмайдиган.

Барча эришилган ютуқ ва марраларимизнинг пировард натижасининг ифодаси бўлиши аҳолимизнинг реал даромадлари кейинги беш йилда 210,0 фоизга ўсиши. Бундай ҳолат барчамизни қувонтирмасдан қолдирмайди.

Лўнда қилиб айтганимиз бўлса, иқтисодиётимизнинг тобора мустахкам бўлиб бориши олдимизда турган барча долзарб, ўзининг ечимини кутаётган муаммоларини енчишга, шулар қаторида ишчи ва хизматчиларимизнинг иш ҳақини, кексаларимизнинг пенсияларини, студентларнинг стипендияларини, аҳолининг ёрдамга муҳтож

қатлами учун нафақа пулларини оширишга, умуман, ижтимоий масалаларни изчиллик билан ҳал этишга, халқимизнинг оғирини енгил қилишга олиб келади, албатта.

Азиз дўстлар! Хеч шубҳасиз, ўзимизнинг машаққатли меҳнатимиз туфайли эришилган натижалар барчамизнинг ҳаракатимизга ҳаракат, ғайратимизга ғайрат ва эртанги кунимизга ишонч бағишлайди.

Шу билан бирга, бугунги вазият барчамизни ўзимизга бўлган талабчанлигимизни асло сусайтирмасдан, бошлаган ишларимизни кенг қўламада, жадал суръатлар билан давом эттиришга даъват этади.

Қиладиган ишларимиз ҳали қўқ. Мақсадларимизни, ният-орзуларимизни сўзсиз амалга ошириш учун нималарга эътибор қаратишимиз зарур?

**Биринчидан** — бошлаган илохотларимизни янада тезлаштириш ва чуқурлаштириш вазифаси. Аввало, иқтисодиётимизда ҳусусий мулк улушини ошириш, мулк эгаларининг фаоллият эркинлигини янада кенгайтириш, кичик бизнес ва тадбиркорликка, қишлоқ ҳўжалигида фермерлик ҳаракатига кенг йўл очиб бериш. Бу йўналишларда йўлимизни тўсиб турган барча гов-тўғанокларни олиб ташлаш.

**Иккинчидан** — одамларимизнинг, аввало раҳбарлик лавозимида ўтирганларнинг онгу таваққурини ўзгариштириш, уларнинг масъулиятини ошириш, давлат идораларининг иқтисодиётга ноқонуний аралашувини чеклаб қўйиш, қонуни ҳўқронлигини ҳаётимизнинг ҳамма жабҳаларида тўлиқ таъминлаш, қонунга итоат қилиб яшаш барчамиз учун ҳаёт тарзига айланишига эришмоғимиз даркор.

Масалани айнан шундай кескин қўйишга барча асосларимиз бор.

Ҳаммангизга маълумки, йил бошидан буён 7 та вилоятимизда маҳаллий кенгашларнинг навбатдан ташқари сессиялари бўлиб ўтди.

Шуни катта афсус билан қайд этиш керакки, ана шу сессияларда Конституцияимиз белгилаб берган талаб ва мезонларга амал қилиш, жойларда, шунинг тақрири, айтишга тўғри келади, халқимизнинг, аввало раҳбарлик лавозимларида ишлайдиган одамларнинг таъмин ва муаммоларини енчиш, уларнинг аҳволидан ўз вақтида хабардор бўлиш, орзу-умидларини рўйбга чиқариш, адолат устуворлигини таъминлаш йўлида кўпгина нуқсон ва камчиликлар маъқуллиги аён бўлмоқда.

Минг афсуски, ҳокимият ва бошқарув идораларида ўтирган баъзи шахсларнинг ўзлари қонуни талабларига риоя қилиш ўқда турсин, қонунни қўлоғи равишда бузиш, аввало ўз манфаатини қўлаб, ўз вазифасини суйистеъмоқ қилиши ҳеч чидаб бўлмайдиган ҳолатдир.

Албатта, бундай ҳолатларга қарши чора қўрилишти, тегишли тадбирлар ўтказилишти.

Лекин мансабдор шахслар фаоллиятидаги бундай қонунбузарлик кўринишлари ва ҳуқуқ мисоллардан бутунлай воз кечишнинг энг муҳим, таъбирчан воқоитаси сифатида жойлардаги ҳокимият ва бошқарув идоралари фаоллияти устида жомаотчилик ва фуқаролик назоратини кучайтириш бугунги кунда энг долзарб масала бўлиб қолмоқда.

Масалани айнан шундай қўйишни барчамиз кутаётган, 26 декабр кунли Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси ва Маҳаллий Кенгашларга бўладиган сайловлар ҳам тақозо этади. Ушбу сайловлар арасида, шаҳар ва қишлоқларда депутатликка номзодлар билан сайловчиларнинг ўрашувлари бўлиб ўтаётган ҳозирги пайтда мана шу масалани, яъни жамиятимизда ижтимоий ва фуқаролик назоратини кучайтириш масаласини кун тартибига қўйишни ҳаётимизнинг ўзи талаб этмоқда.

Бўлғуси депутатларимиз ўз сайловчилари ва эл-юрт олдидаги бурчини муносиб равишда бажариш учун аввало ўзларини халқ ноиблари сифатида ҳис этган ҳолда, мамлакатимиздаги барча ислохот ва яшиланиш жараёнларини ўз назоратида олиб, давлат ижро ҳокимияти вазифасида ўтирганларнинг қонун чегарасини қиқмаслигини қаттиқ кузатиб турса, ўйлаيمانки, сайловчиларимизнинг, халқимизнинг талаби муносиб жавоб берадиган иш бўлади.

Қадрли юртдошлар! Биз бундан бир йил аввал халқимиз, жомаотчилигимизнинг орзу-интилишлари, тақлиф ва мулоҳазаларини инобатга олиб, 2004 йилни днбиримизда «Меҳр ва мурув-

ват йили» деб эълон қилган эдик.

Бундан қўланган асосий мақсад — юртимизда инсон манфаатларини таъминлаш, меҳр-оқибат ва ўзаро ҳамжиҳатлик муҳитини янада мустаҳкамлаш, айниқса ногиронлар, ёлғиз кексалар ва кам таъминланган оилаларнинг, умуман, кўмак ва ёрдамга муҳтож ҳеч бир инсоннинг давлат ва жамият эътиборидан четда қолмаслигига эришишдан иборат экани сизларга яхши маълум.

Ана шундай эзгу мақсадларни амалга ошириш учун мамлакатимизда алоҳида дастур қабул қилиниб, унинг ижросини таъминлаш учун йил давомида қўп-қўп ишлар амалга оширилди. Албатта, бу дастурдаги тадбирларни ижро этиш бўйича жойларда тегишли ҳисоботлар берилди.

Мен, шу фурсатдан фойдаланиб, «Меҳр ва мурувват йили»га бағишлаб баҳарлик дастурининг асосий нуқталарига тўхталиб ўтмоқчиман.

Авалло, шунинг таъкидлашимиз керакки, дастурда белгилаган тадбирлар ижроси учун қарийб 365 миллиард сўм, шу жумладан, 250 миллиард сўм бюджет, 115 миллиард сўм ҳўқийлар маблағи сарфланган. Бундай рақамлар йил давомида амалга оширган ишларимизнинг қўлами ва миқдосини тасаввур қилиш имконини беради, деб ўйлаيمان.

Аҳолининг ижтимоий муҳофазаси бўйича белгиланган кенг қўламли тадбирлар ижроси ҳақида гапирганда, икки ёшгача бўлган фарзандини тарбиялаётган оналар ва кам таъминланган оилаларга бериладиган моддий ёрдам ҳажми бу йил 1,3 мартага қўлайиб, 140 миллиард сўмин ташкил этганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Хусусан, умумтаълим мактабларининг 1-синф ўқувчилари, «Меҳрибонлик» уйлари тарбияланувчиларини бепул дарслик ва ўқув қуроллари, кам таъминланган оилаларга мансуб ўқувчиларни қиқши қийим-бош билан таъминлаш учун 25 миллиард сўм маблағ сарфланган.

Дастур доирасида янги-янги иншоотлар, маданий-маиший бинолар барпо этилгани, кексалар ва ногиронлар, ёрдамга муҳтож оилалар учун қўлайликлар яратилгани айниқса ибратлидир.

Мамлакатимиздаги маъжуд 93 та «Меҳрибонлик» уйлари ва махсус мактаб-интернат бинолари тўлиқ капитал таъмирдан чиқарилиб ва реконструкция қилинди. Бунда фақатгина «Меҳрибонлик» уйлариининг ўзи 24 миллиард сўм маблағ сарфланиб, бу ишларнинг 85 фоизи ҳўқийлар томонидан бажарилди.

Шунингдек, ота-онасиз қўлаш болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш масаласига эътибор янада қўнайтирилди. Айни пайтда 134 миғ нафар ногирон бола тиббий қўриқдан ўтказилиб, уларнинг соғлигини мустаҳкамлаш чоралари қўрилди.

Бундай хайрли ишларга нафақат юртимиздаги, айни пайтда халқаро миқёсдаги ташкилотлар ҳам ўз ҳиссасини қўшаётгани диққатга сазовордир. Чўнончи, ЮНИСЕФ, «Ворлд Концерн», «Енгра», «Америкерс» ва бошқа ташкилотлар томонидан 6 миллиард 500 миллион сўмлик инсонпарварлик ёрдами қўрилатилди.

Шулар қаторида «Фриденсдорф интернейшнл» халқаро ташкилоти қўмағида Тошкент шаҳри ҳамда Бўхоро, Қашқадарё, Хоразм, Фарғона вилоятларидан 156 нафар боланинг Германияда жароҳлиқ усули билан даволаниши ташкил этилди.

Жорий йилда 1 миллион 665 миғ нафардан зиёд пенсионерлар, 535 миғдан зиёд катта ёшдаги ногиронлар диспансер қўриқидан ўтказилгани, қўлаб эътиҳаманд қарияларимиз ногиронлар аравачалари, протез-ортопедия буюмлари ва бошқа зарур анжомлар билан таъминлангани ҳам ана шу ишларнинг узвий давомидир.

Дастур доирасида умумтаълим ва соғлиқни сақлаш муассасалари ҳамда бошқа ижтимоий объектиларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, уларни капитал таъмирлаш ва жиҳозлашга қаратилган ҳудудий дастурлар ишлаб чиқилди ва изчил амалга оширилмоқда.

Бу мақсадлар учун 40 миллиард 500 миллион сўм бюджет маблағи, 23 миллиард сўм ҳўқийлар маблағи жалб қилинган бу соҳада ҳам салмоқли ишлар бажарилганини кўрсатади.

Бугунги кундаги долзарб масала бўлиши оммавий спортни, айниқса, болалар спортини ривожлантириш мақсадида барча вилоят ва туманларда, биринчи галда, умумтаълим мактабларида спорт майдончалари ва иншоотлари барпо этиш, улар-

ни зарур анжомлар билан жиҳозлаш бўйича кенг қўламада иш олиб борилмоқда.

Агар бу йўналишда 8 миллиард 700 миллион сўм маблағ сарфланганини ҳисобга олсак, қилинган ва қилинаётган ишларнинг ҳажмини тасаввур этиш қийин эмас.

Хўрматли дўстлар!

Бугун «Меҳр ва мурувват йили» тадбирларини амалга оширишда, уларга алоҳида маъно ва тарбиявий-ахлоқий, инсоний маъмул-муҳият бахш этишда улкан ҳисса қўшган маҳалла идоралари, маҳалла аҳолининг хизматларини алоҳида эслаб ўтиш жоиз.

Халқимизга хос бўлган ҳашар йўли билан маҳалла ва гузарларни обод қилиш, кам таъминланган оилалар, ёлғиз кексаларга ёрдам бериш сингари эзгу аънаналарни давом эттирган ҳолда, 1 миғ 580 нафар фуқаронинг уй-жойи, 2 миғ 100 та маҳалла гузар, 275 та маиший хизмат шох-хўчалари ҳўқийлар маблағи ҳисобидан таъмирланди ва янгитдан бунёд қилинди.

Шу борада Тошкент ва Бўхоро вилоятларининг чекка қишлоқларида боқувчисиз йўқотган аёллар ва ногирон ёшларга мўлжалланган, зарур қўлайликларга эга бўлган ишлаб чиқариш-ўқув марказлари ташкил қилинганини айтиб ўтиш жоиз. Ҳозирги пайтда Қашқадарё ва Хоразм вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикасида ҳам шундай марказлар барпо этилмоқда.

Айниқса, Жнзаҳ шаҳрида ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган фуқаролар учун турар-жойларга ва маиший хизмат кўрсатадиган инфратўзимга эга бўлган «Меҳр-мурувват шаҳарчаси»нинг қуриб битказилгани эътиборга сазовор.

Бу йил Нарўз ва Мустақиллик байрамлари арафасида юртимизда кенг миқёсда ўтказилган умумхалқ ҳашарларидан тўшган қарийб 4 миллиард сўмлик маблағ кам таъминланган оилаларни қўлаб-қувватлаш, маҳаллаларни ободлаштириш, спорт мажмуалари барпо этиш каби эзгу ишларга сарфланмоқда.

Йил давомида азим пойтахтимиз Тошкентта, Самарқанд, Бўхоро, Жива, Термиз ва Шаҳрисабз каби қадимий шаҳарларимизга, буюк аждодларимизнинг муқаддас қадимоларига 150 миғдан зиёд кексалар ва ногиронлар, кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари учун бепул зиёратлар уюштирилгани ҳам меҳр-мурувват деган юксак ва олижаноб тушуналари кенг маънода ифодалайди, десак, ҳеч қандай му-боллага бўлмайди.

Бундай мисолларни яна қўлаб келтириш мумкин. Бир сўз билан айтганда, «Меҳр ва мурувват йили» дастурининг маъно-мазмунига синдирилган гоъ, яъни жамиятимизда ҳеч қим ўзини ёлғиз сезмаслиги, ҳеч қим эътибордан четда қолмаслиги керак, деган даъват миллионлаб юртдошларимиз қалбига акс садо бергани, уларни одамийлик ва инсонпарварлик ишларига қорлагани барчамизни қувонтиради.

Фурсатдан фойдаланиб, мана шу минбардан туриб, шундай олижаноб ишларга ҳисса қўшган барча меҳнат жамоаларига, маҳалла оқсоқоллари ва фаолларига, саховатли юртдошларимизга, хорижий ташкилотлар вакиллари ва чет эллик ҳамкорларимизга ўз номидан, бугун халқимиз номидан самимий миннатдорлик изҳор этиш менга катта мамнуният етказди.

Албатта, бизнинг бу йўлдаги мақсад-муддао ва саъй-ҳаракатларимиз фақат ушбу дастур билан чегараланиб қолмайди. Бу масала юртимизда яшаётган, миллати, тили ва динидан қатъи назар, ҳар бир инсоннинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш борасидаги узоқ ва давомий стратегия вазифаларимизнинг узвий бир қисми сифатида кейинги йилларда ҳам албатта изчил давом этирилади.

Муҳтарам юртдошлар! Бу дунёда ҳаёт бор экан, одамзот тинч ва фаровон, бахтли-саодатли умр кечирishi орзу қилади. Шу маънода, одамларга муносиб турмуш шароити яратиб бериш, аҳоли соғлигини сақлаш масаласи давлатимиз ва жамиятимизнинг доимий диққат марказида бўлиб келмоқда. Тиббиёт соҳасини ислох қилиш, аҳоли соғлигини ҳимоялаш масаласини бугунги замон талаблари даражасига кўтариш мақсадида мамлакатимизда давлат миқёсда махсус дастур амалга оширилган бўлганда халқимиз, жомаотчилигимиз албатта хабардор.

Жумладан, замонавий соғлиқни сақлаш тизимини шакллантириш ва ривожлантириш, соғлом авлодни тарбиялаш, тиббий хизмат сифатини кескин ошириш бўйича олиб борилаётган ишлар ва уларнинг натижалари тўғрисида узоқ гапирishi мумкин. Айни пайтда бу соҳада қўлга киритилган ютуқлар билан бирга, ҳали-бери ечилмаган ўткир муаммо ва нуқсонлар борлигидан ҳам кўз юмиб бўлмайди. Уларни бартараф этиш, бу борада тараққий топган давлатлар даражасига эришиш учун ҳали кўп меҳнат қилишимиз зарурлигини ҳам маъмул тушунашимиз. Албатта, аҳолимизнинг соғлиқни сақлаш ва даволашда давлатимиз ва жамиятимиз олдида турган вазифалар, янги йўлга мўлжалланган давлат бюджети ва харажатларини белгилашда етарли даражада маблағ ажратиш, тегишли идора ва ташкилотларнинг масъулиятини ошириш, бу соҳага алоҳида эътибор бериш ўз йўли билан ҳал этилади.

Табиики, бу харажатларни аниқлаётганда нафақат медицина соҳаси ва унинг эътиҳини, балки шу тармоққа бевосита дахлдор бўлган аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, халқимиз ҳаётига алоқадор бўлган шунга ўхшаш масалаларнинг ечимини ҳам инобатга олишимиз зарур.

Лекин мен шу ўринда барчамиз оддий, ammo муҳим бир ҳақиқатни нуутмаслигимизни истардим, яъни одамзотнинг соғлиғи кўп жиҳатдан авваламбор унинг ўзига боғлиқ. Бунинг учун ўз ҳаётини оқилона йўлга қўйиши, ҳар қандай касалликнинг олдини олиш учун соғлом ҳаёт тарзи ва турмуш маданияти талабларига амал қилиши, шак-шубҳасиз, катта ўрин тутади. Буни кўп асрлик ҳаёт таърибаси ҳам, тиббиёт таърибаси ҳам исботлаб келмоқда.

Бундай қараш ва муносабатларни ривожланган давлатлар, инсон ҳаётининг қадрлигига етарли, халқ соғлигини тоза маънода юртнинг ҳақиқий бойлиғи деб билмайдиган мамлакатлар мисолида қўриш қийин эмас.

Масалан, Японияни олайлик. Ҳозирги кунда бу мамлакатда юз миғдан зиёд бир асрдан ортиқ умр кўрган кексалар истиқомат қилади. Бу — дунё миқёсидаги энг катта кўрсаткичдир. Лекин шунинг ҳам таъкидлашимиз керакки, Япониянинг бундай натижасига эришгани тасодиф эмас.

Албатта, бу ютуқнинг ўзи га соғлиқни ва оилалари бор. Авваламбор, миллий қадриятларга ҳўрмат, жамиятда ҳўкм сураётган тинчлик ва оёсийишталик муҳити, фаровон ҳаёт, маданий савиянинг юқорилиги, ижтимоий соҳанинг юксак даражасига қўйилгани, бу масалалар давлат ва жамиятнинг доимий эътиборида экани бунга асос бўлганини аглаш қийин эмас.

Аmmo буларнинг барчасини тарозининг бир палласига қўйдиган бўлсак, ўйлаيمانки, унинг иккинчи палласини бошқариш нарса — бу япон халқининг ҳаёт тарзини, ҳаёт кечирishiни тўғри ташкил қилиши, ўз саломатлигига бўлган оқилона муносабати.

Азиз дўстлар, шу маънода, узоқ йиллар давомида онгимизга чуқур сингиб қолган бир тушулча борки, биз ундан имкон қадар халос бўлишимиз жоиз, деб ўйлаيمان.

Ўзимиз бир тасаввур қилайлик — одамзот туғилди, воғга етади, бир умр тинмай меҳнат қилади, ҳар кун, ҳар доим албатта қандайдир муаммони енчиш билан банд бўлиб яшайди.

Лекин, бир зум бўлсин, тўхтаб, орқасига қараб, эй биродар, ахир, умр дегани оқар сувдек ўтиб борапти, мен ҳам инсон бўлиб, орзу-умид билан дунёга келиб, ўзим учун ҳам яшашга, шу ҳаётдан баҳра олишга вақт тополдимми, деб ўйламайди.

Қўпчилигимиз, майли, энди бизлар кўрмагани болаларимиз кўрсин, бизнинг давримиз ўтди — болаларимиз яшасин, деган фикр билан ҳаёт кечирамиз. Албатта, буни фарзандларимиз, набираларимизнинг бахту саодатини ўйлаб, чин дилдан тилаймиз.

Бундай муносабат ва эзгу тилаклар билан яшаш, албатта, миллатимизга мансуб табиий бир ҳол. Лекин, шундай қараш билан бирга, халқимизда кенг тарқалган яна бир олижаноб, чуқур маъноли ҳўқмат ҳам борки, у ҳақда гапирмасдан, уни эсга олмасдан бўлмайди.

Агар эътибор берсангиз, қариялар, ўрта ёшга кирганлар дийдор кўришганда, дуога қўл очиб, илойим, умрингиздан барака топин, қилган меҳнатингизнинг, фарзандларингизнинг роҳатини кўринг, деб тилак билдиради.

Барчамизнинг истажимиз шуки, ҳар бир инсоннинг қалбига мана шундай эзгу орзу-ниятлар рўйбга чиқсин. Лекин тақрор

айтишга тўғри келади — давлат, ҳокимият идоралари соғлиқни сақлаш масаласига қанчалик эътибор бермасин, аввало аҳолимизнинг, ҳар қайси одамнинг бу масала бўйича қарашини ўзгаришмасдан туриб, ижобий натижаларга эришиш қийин бўлади.

Ҳақиқатан ҳам, азизларим, аслида, ҳар бир инсон бу ҳаётнинг ҳеч қачон тугамайдиган ташвишларидан бироз холи бўлиб, ўзи ҳақида ҳам оғзинга ўйлаши, соғлиғи ҳақида қайғуриши, таъбир жоиз бўлса, ўзини жиндай яхши қўриб яшати керак эмасми?

Бошқача айтишга, одамларимиз ўзини ўзи қадрласа, ўз қадрига аввало ўзи етиб борса, фойдадан холи бўлмасди. Мана шундай қараш, мана шундай ёндашуви ҳаётимиз қондасига айлантириш учун ҳаммамиз бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилишимизнинг вақти келди, деб ўйлаيمان.

Қадрли ватандошлар! Кириб келаётган янги йилнимизга ном беришда ҳар сафар сизлар билан маслаҳатлашиб, бугунги ҳаёт олдимизга қўётган талаблардан келиб чиққан ҳолда қарор қабул қилишимиз ўзига хос яхши бир одатга айланиб қолди.

Мен юқорида айтилган фикрларни, мақсад ва вазифаларни назарда тутиб, **Янги — 2005 йилни мамлакатимизда Снхат-саломатлик йили** деб эълон қилишни тақлиф этмоқчиман.

Албатта, аввалги йиллардаги таърибга кўра, биз бу масала бўйича ҳам алоҳида дастур ишлаб чиқиб, амалга оширилмайдиган асосий ишларни аниқ белгилаб оламиз.

Бу дастурда мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимини янада такомиллаштириш, бунинг учун тегишли ҳуқуқий, моддий ва молиявий базани мустаҳкамлаш, замонавий билим ва таърибга эга бўлган тиббиёт ходимларини тайёрлаш ва малакасини ошириш, шу билан бирга, одамларда ўз саломатлигини асраш бўйича тўғри ва фол муносабатини шакллантириш каби масалаларга алоҳида аҳамият бериш зарур.

Айниқса, оналик ва болалиқни муҳофаза этиш, бугунги тинч, осуда ҳаётимиз ривожига катта хизматлари сингган муҳтарам нуруийларни, пенсионерларимизнинг соғлом ва мазмунли умр кечирishi



# ХДП НОМЗОДЛАРИ МЕХНАТ АҲЛИ, ИЖТИМОЙ ЁРДАМГА МУҲТОЖ КИШИЛАР МАНФААТИНИ ҲИМОЯЛАШГА БЕЛ БОҒЛАГАН. УЛАР БИЛАН ТАНИШИҢГ, УЛАРГА ОВОЗ БЕРИҢГ!



## МУҲАММАДЖОН УМАРАЛИЕВ

(17 -Истиқлол сайлов округи)

си лавозимда ишласин, ҳар доим элнинг, халқнинг, оддий одамларнинг гами, ташвиши билан юради.

Биргина ўтган беш йиллик фаолиятини олиб кўрайлик. Мамлакатимизда иқтисодий ислохотларнинг изчиллик билан олиб борилишида унинг ҳам муносиб ҳиссаси бор.

Зеро, иккинчи чақирик Олий Мажлиснинг бирор бир сессияси бўлмадики, у раҳбар бўлган кўмита томонидан кун тартибига масала киритилмаган бўлса. Кўмитанинг асосий вазифаси мамлакатимизда иқтисодий ислохот қилиш, тадбиркорликни ривожлантириш, унинг эркинлигини кафолатлаш, бозор муносабатларини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишга қаратилган қонунлар тайёрлашдан ва бош йўналиши — ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига мос давлат қўриқчилик стратегиясини шакллантириш, таъминлашдан иборат бўлди.

— Тўғри, биз кўп ишларни амалга оширдик, лекин ҳали тўлиқ бажара олмаган ишларимиз ҳам кўп, — дейди Муҳаммад-жон Умаралиев. — Ҳаёт тақозоси ва партиямиз дастурига асосан биз ҳар оиланинг, ҳар бир инсоннинг яхши яшаш учун астойдил интилишимиз керак. Яширишнинг ҳоҳлати йўқ, ҳали ўтиш даврининг қийинчиликлари маълум даражада ўз ҳукмини

ўқатиб турибди. Шундай бир пайтда Президентимизнинг кучли ижтимоий ҳимояга доир сўбатини оғишмай амалга ошириш — нафақат ҳокимият идораларининг, балки, куйидан қўриқилган депутатларнинг ҳам биринчи даражаси вазифаси бўлиб қолиши керак.

Назаримда, ҳозирги кунда ечимини кутаётган навбатдаги муҳим масала — ҳар бир меҳнатга лаёқатли одамни иш билан банд қилиш. Шунингдек, меҳнат учун ўз вақтида иш ҳақи олиш, бу иш ҳақи ҳар бир оиланинг тўқ яшаш учун етарли бўлиши ҳам долзарб масала.

Аҳолининг кам таъминланган қисми — қариялар, нафақахўрлар, ногиронлар, кўп болали оналар, боқувчисини йўқотганлар, етим-есирларга эътиборни кучайтириш, уларга имтиёزلарни кенгайтириш, хотин-қизлар турмуш даражасини яхшилаш...

Таълим ислохоти, ёшлар тарбияси-га доир катта муаммолар ҳам бор. Бунинг учун эса таълимни молиялаштиришдаги номуносабатликларга барҳам бериш зарур. Биз ўқитувчи шахсини улуғламай туриб, унинг иқтисодий таъминотини жой-жойига қўймай туриб, нури келажак ҳақида гапиришимиз бефойда...

## АБДУМАННОБ РАҲИМОВ

(18-Булоқбоши сайлов округи)

У 1963 йилда Балиқчи туманида хизматчи оиласида туғилган. Ўзбекистон Халқ демократик партияси аъзоси. Олий маълумотли. Тошкент давлат университетининг тарих ва ҳуқуқшунослик факультетларини тамомлаган. Иختисослиги — тарихчи, ҳуқуқшунос. Оилали. Бир нафар фарзанди бор.

Меҳнат фаолиятини 1984 йилда Балиқчи туманидаги «Ҳақиқат» жамоа ҳўжалигида оддий ишчилардан бошлади. 1986-1991 йилларда Тошкент давлат университетиде тахсил олди. Сўнгра Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институтиде лаборант, Тошкент давлат шарқшунослик институтида тарбия бўлими инспектори лавозимларида ишлаб келди.

1993 йилдан бошлаб Абдуманноб Раҳимовнинг меҳнат фаолияти Ўзбекистон Халқ демократик партияси билан боғланди. Дастлаб у Ўзбекистон ХДП Ҳамза туман кенгашида тарғиботчи, сўнг туман партия кенгаши иккинчи котиби, кейинчалик Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашида референт, партия ташкилотчиси, шўба мудири, бўлим мудири ўринбосари, партиялараро алоқалар бўлими мудири вазифаларида фаолият юритди.

2001 йилдан буён эса Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг эксперти сифатида ишлаб келмоқда.

Партиядошлари сўзидан: Абдуманноб Раҳимов тиришқоқ, меҳнатсевар, маъсулиятни ҳис қиладиган ходим. Хизмат топшириқлари ва жамоат ишларини вақт билан ҳисоблашмасдан ўз вақтида тўлиқ бажаришга ҳаракат қиладди.

Ҳамкасблари эътирофи: У фаолияти давомида қонун ҳужжатлари меъ-эриларини ҳаётга татбиқ этиш ва қонунчилик билан боғлиқ муаммоларни ўрганиш, мустақил тўхтама қелиш қобилиятини кўрсатди. У қонунчилик лабораториясининг ичида юрди, пишди.

Маҳалладошлари гапидан: Абдуманноб бамаъни, камсукум, ҳалол йигит. Ибратли оиласи бор. Маҳалланинг тўю-маъракасида, турли тадбирларида ҳаммага елкадош. У яхши кўшни, ибратли оила бошлиғидир. Одамларнинг муаммоларига қуюнчақ, камчиликларга мурасасис.



нинг меҳнатидан топгани далага сарфланган ўғит ёки сояларга етмай қолиши уни меҳнатдан совутгани. Бошқа жойларга иш излаб кетишига сабаб бўлади. Мен бўлажак депутат, аввало, шу масаланинг ҳуқуқий ечимини юзасидан бош қотириш керак, деб ўйлайман.

Бозор иқтисодиёти аҳоли қатламлари орасида табақаланишни юзасига келтирди. Менинг фикримча, ўтиш даври қийинчиликлари пайтда аҳолининг эҳтиёмқанд қатлами — пенсионерлар, кам таъминланган, кўп болали оилалар, ногиронлар, боқувчисини йўқотганлар, албатта, кучли итимоий ҳимояланмоғи керак. Бу, мурувватли халқимизнинг азалий аъналарига ҳам, умуминсоний қадриятларга ҳам жуда мосдир.



## ТАЙИР АҲМЕДОВ

(30-Жиззах сайлов округи)

Ўзбекистон Халқ демократик партияси шаҳар кенгаши бўлим мудири вазифаларида хизмат қилган. 1999 йилдан эътиборан партияимиз Жиззах шаҳар кенгашининг биринчи котиби. Оилали, тўрт нафар фарзанди бор.

— Киши одамлар орасида ўзини қандай тутиши зарурлигини белгилөөчи қондалар-сиз яшай олмайди, — дейди Тайир Аҳмедов. — Шунинг учун ҳам ҳар бир инсон «Мен нима учун яшайман?», «Ҳаётимнинг бирор бир маъносини борми, агар бўлса, у нимадан иборат?» каби саволларни ўзига бот-бот бериб кўради. Аслида бу саволлар эски, айна вақтда доимо янги саволлардир. Уларни ҳар қайси давр кўтариб чиққан ва турли одамлардан турлича жавоблар олинган. Зеро, ҳаётнинг мазмуни тўғрисидаги бундай саволларни ҳар ким ўзича тушунади ва талқин этади.

Тайир Аҳмедов ҳаётнинг мазмун-моҳиятини ҳалол ва

адолатли бўлишида, деб билади. Ҳаётимизда содиқ ҳолда яшаб келаётимиз.

Депутатликка номзодим кўрсатилишининг ўзиёқ зиммамга катта масъулият юклайди, — дейди Тайир ака. — Ахир, бу менга билдирилган ярим ишонч дегани эмасми? Бордию, сайловчилар менга тўлиқ ишонч билдиришиб, Қонунчилик палатасида депутат этиб сайлашса, депутатлик ваколатимдан фойдаланиб, аҳолининг кўпроқ ижтимоий кўмакка муҳтож қатламларини ҳимоялашга, фуқароларимиз тўлов қобилиятларини оширишга хизмат қиладиган қонунлар қабул қилиниши учун ҳаракат қиламан. Халқ таълими ва соғлиқни сақлаш тизимида ишлаётганларнинг касб нуфузини кўтариш, уларнинг моддий таъминотини яхшилаш диққат эътиборимда бўлади. Ахир, бугунгидай бозор иқтисодиёти шароитида фақат давлат томонидан бе-

риладиган маошга ишлаётган муаллим ёки шифокорнинг тирикчилиги қандай кечади, рўзгор нима бўлади? Улар ишдан кейин тадбиркорлик ва ишбилармонлик билан шуғуллансинми? Ёки ярим кун муаллим, ярим кун номаълум, қабилади иш тутишинми? Бу яна қишлоқ жойларида ишсизликни камайтириш, янги иш ўринлари яратиш, кичик корхоналарни кўпайтириш билан боғлиқ муаммолар ҳам мени кўндан бери ўйлантириб, ташвишлантириб келаётган. Депутат бўлсам, буларнинг ечимини топиш, уларни ҳал қилиш йўлини излашни, шу ишларга хизмат қиладиган қонунларнинг яратилиши, буларнинг тақомиллаштирилишига хизмат қиламан.

Ҳаётда ҳалол ва адолатли бўлиши умининг мазмуни деб билган номзодга бўлажак сайловларда омад тилаймиз.

## ХОЛИДА ХОЛМУРОДОВА

(31-Дўстлик сайлов округи)

У 1963 йили Тошкент вилояти Окдўргон туманида туғилган. 1986 йилда Санкт-Петербург давлат университетини тамомлаган. Иختисослиги — журналист. Оилали, икки нафар фарзанди бор.

Меҳнат фаолиятини Сурхондарё вилоят телевидение-сида муҳаррир сифатида бошлаган. 1990-1998 йилларда режиссёр ассистенти, муҳбир, вилоят телерадио-компаниясининг катта муҳаррири, 2000 йилда «Народное слово» газетаси муҳбири бўлиб ишлаган. 2001 йилдан буён Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Котибиятининг масъул ходими вазифасида фаолият кўрсатиб келмоқда. Айни пайтда илмий иш ҳам олиб бораёпти.

Холида Холмуродованинг ёшлик йиллари Жиззах вилоятининг Арнасой ва Дўстлик туманларида кечди. Агрономлик соҳасида ишловчи ота-онаси йўлланма билан бу ерга юборилганида у энди

ўн ёшга қаршилган. Бўлажак журналист Дўстлик шаҳарчасидаги 2-ўрта мактабда тахсил олди. Ундаги қизиқувчанлик, синчковлик хислатлари болалик йиллари кўрган-кечирган воқеаларнинг ифодаси бўлиб қалбига муҳрланиб қолган. Чўлини ўзлаштираётган одамлар шижоати, қўриқ бағридан ер очиб, уни обод қилишга чоғланган деҳқонлар матонати уни катта мақсадалар сари чорлади.

Ёш қаламкашининг илк мақолалари «Дўстлик байроғи» ва «Жиззах ҳақиқати» газеталарида эълон қилинди. Мақтабни олтин медал билан тугатгач, ҳозирги Ўзбекистон Миллий университетига ҳужжат топширди. Бу ердая тахсил, сўнгра Санкт-Петербургда олинган пухта билим кўнглидаги ниятларининг ижобатга айланишига туртки бўлди.

Дарҳақиқат, Холида Холмуродова дастлаб Сурхондарё вилоят телевидениесида, кейинроқ «Народное слово» газетасида ишлаганида кўпроқ қишлоқ ҳўжалиги



аҳолининг ижтимоий ҳимоясини кучайтирувчи янги қонунлар яратиш; — ўқитувчи аёллар ва мураббийларга меҳнат ҳақи ва нафақаларни яшаш учун етарли миқдорда белгиланишини қонун ва қонуности ҳужжатлари билан белгилаш; — қишлоқ ёшларининг ўқиб, бирор касбини эгаллашлари учун ўша ҳудуддаги жамоат фондлари орқали уларга имкон қадар зарур маблағлар ажратилиши ҳамда кейинчалик бу ёшларнинг ўша ҳудудда иш билан таъминланишига шарт-шароитлар яратиш.



## ОЗОТОЙ ҚУШБАҚОВА

(32-Зарбдор сайлов округи)

гидан кечиб ишлади. Аввалига уни тушунамаганлар бўлди. Ҳатто «Узингизни ҳам, бизни ҳам аямайсиз, нега шунақасиз-а, опа?» деганлар ҳам топилди. Бундайларга у ҳар гал «Ҳаёт томоша ҳам, байрам ҳам эмас, ҳаёт — меҳнат, меҳнат ва яна меҳнатдан иборат, биттагина «бугун» иккита «эртага» арзийди» деб жавоб берди. Секин-аста уни англай бошладилар, уни тушундилар, унга эргашдилар, унга ишондилар.

Ииллар ўтди. Ҳўжалик туманига элмас, вилоятда ҳам энгилор, кўзга қуриган ҳўжаликлардан бирига айланди. Бугун агрохизмат маркази мақомини олган ушбу ҳўжаликдаги ўнлаб фермерлар қишлоқ ҳўжалигида ишловчиларни изчил амалга ошириш йўлида астойдил меҳнат қиладилар.

Яқинда ҳамқишлоқлари, сайловчилар унинг номзодини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қўнунчилик палатаси депутатлигига тавсия этишди. Марказий сайлов комиссияси уни депутатликка номзод қилиб рўйхатга олди. Албатта, кўпчи-

лик шунча одамлар ичидан уни бекорга танламаган. Худудда ишбилармон, тадбиркор, депутат бўламан деганлар оз эмас. Унинг бошқалардан устун бўлган, бошқаларда топилмайдиган фазилатлари, хислатлари борки, унинг номзодини кўрсатишди.

Одатда ҳар бир фуқаро, ҳар қайси сайловчи депутатликка номзод кўрсатиш чоғида ҳам, сўнгра сайлов пайтида ҳам ўзи танлаган номзод билан, унинг қимлиги, нималарга қодирлиги билан қизиқади, у депутат бўлса, нима қилиб беради экан, деб ўйлайди.

— Депутатликка сайлангудай бўлсам, — дейди у, — аввало, ҳамқишлоқларимнинг, ўзим каби ўзалигидан кечиб ишлаётган деҳқонларнинг, фермерларнинг оғирини енгил, мушкулларини осон қилдиган қонунлар яратилиши ва қабул қилиниши учун куч-гайратини, тажрибамни, билимимни сарфлайман. Қишлоқдагиларнинг, хусусан фермерларнинг муаммоларини яхши биламан, уларнинг ташвишини, дардини ҳис қила-

ман. Шуларга даво, малҳам бўладиган ишлар қилсам, дейман. Қолаверса, муаллима эмасманми, қишлоқ мактабларининг аҳолини яхшилаш, моддий-техника таъминотида ижобий ўзгаришлар бўлишига эришиш, муаллимларнинг иш ҳақини кўтариш билан боғлиқ масалалар ҳам сайловчилар дастуридан ўрин олган. Қишлоқда яшаётганлигим учун қишлоқ инфратузилмасини тақомиллаштириш, қишлоқ аёллари турмушини энгиллаштириш, жойларда машини хизмат шахобчаларини кенгайтириш ҳақида қайғуришни ҳам ўйлаб турибман.

Кўриб турганимизгадй, булар одамларимизнинг кўнглидаги, тилининг учигадаги гаплар, кўпчиликини ўйлантириб келаётган муаммолар. Ишонимизки, сайловчилар ана шундай эзгу мақсадалар билан яшаётган номзодни қўллаб-қувватласа янглишмайдилар.

## МАҲМУД ЙЎЛДОШЕВ

(33-Ғаллаорол сайлов округи)

У 1946 йилда Ғаллаорол туманида хизматчи оиласида туғилган. ЎзХДП аъзоси. Москва давлат педагогика институтини тамомлаган. Психология фанлари номзоди.

Меҳнат фаолиятини 1960 йилда Ғаллаорол лалмикорлик институтида ишчилардан бошлаган. 1971 йилдан 1994 йилгача Самарқанд вилоят халқ таълими бошқармасида инспектор ва бошқа масъул лавозимларда фаолият кўрсатди. Аспирантурада ўқиди. Кейинчалик ўқитувчи, кафедра мудири, илмий бўлим бошлиғи бўлди. 1995-1996 йилларда «Халқ сўзи» газетаси муҳбири, 1996-1997 йилларда Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигида бошқарма бошлиғи вазифаларида ишлаган.

1997 йилдан буён рес-

публика «Тасвирий ойна» ижодий уюшмаси бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари вазифасида фаолият кўрсатмоқда. Оилали, икки нафар фарзанди бор.

Маҳмуд Йўлдошев айна пайтда мустақил давлатимиз эришяётган улкан ютуқларни тасвирий тарғибот воситаларида кенг ёритилишида ўз гоё ва фикр-мулоҳазалари билан фаол иштирок этмоқда. Марказий нашрларда соҳанинг бугуни ва келажаги ҳақида қатор илмий мақолалари бор. Шунингдек, бир неча бадиий ва илмий асарлар муаллифи.

У изланувчан, фидойи, доимо янгликка интилувчан инсон. Маҳмуд ака ўз фаолиятида қонун устуворлиги тамойилга қатъий риоя қиладди. Турли илмий-амалий конференциялар, симпозиумларда ўз маърузалари билан қатнашади.



— давлат ҳокимияти ижроия органлари устидан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш ташкилотлари назоратини кучайтириш орқали жамиятнинг бошқарув маданиятини кучайтириш; — касаба уюшмалари, ҳуқуқни ҳимоя қилиш, хотин-қизлар ва бошқа нодавлат ҳамда нотижорат ташкилотлар билан ҳамкорликда инсон эркинлиги қонунчилиги маданиятини амалга ошириш...



# ХДП НОМЗОДЛАРИ МЕҲНАТ АҲЛИ, ИЖТИМОЙ ЁРДАМГА МУҲТОЖ КИШИЛАР МАНФААТИНИ ҲИМОЯЛАШГА БЕЛ БОҒЛАГАН. УЛАР БИЛАН ТАНИШИНГ, УЛАРГА ОВОЗ БЕРИНГ!



## ОЛИМ НАЗАРОВ

(34-Навоий сайлов округи)

ри бошқармасида муҳаррир, Бошқарма бошлиғи ўринбосари бўлиб ишлади.

1995 йилдан бунён Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Котибиятининг масъул ходими.

Журналистдан чиққан депутатликка номзодга ҳамкасб сифатида бизни яхши тушунади, деб қалтироқ савол беришининг пайида бўламиз:

— **Хўш, сиз депутат бўлиб сайлангангиз нима «қаромат» кўрсатасиз?**

— ХДПнинг Сайловолди платформаси ниҳоятда пухта ва кенг қамровли. Бу ҳужжат бизга дастуриламал. Лекин, ҳар бир номзод ўз ҳаётий тажрибаси ва ақл-заковатига кўра ўз платформасига ҳам эга бўлмоғи лозим.

1. Уқитувчилар ва мураббийларнинг жамият ҳаётидаги ўрни бекиёвликка, уларнинг талабаларга таълим бериш ва тарбиялашдаги ўрни юқориликка ҳамда Юртбошимиз бу масалага кўп эътибор бераётганликларига асосланиб, нуфузини кескин ошириш, ҳурмати жой-жойига қўйиш зарур, деб биламан. Бунинг учун «**Уқитувчилар ва мураббийлар тўғрисидаги Қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш мақсада мувофиқ**».

2. Президентимизнинг хотин-қизлар ташкилотлари фаолиятини қўяйтириш, жамиятда хотин-қизлар макomini кўтариш тўғрисидаги фармонлари қабул қилинган фақат аёллар эмас, балки биз эркекларни ҳам тўлқинлантиради. Демак, «**Жамиятда хотин-қизларнинг макomini юксалтириш Миллий дастури**»ни ишлаб чиқиш фурсати етди.

3. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида кадрларни тайёрлаш тартиб-тариқи тўла акс этган. Лекин бугун «**Кадрларни танлаш, тарбиялаш ва лавозимга тайинлаш (сайлаш) механизми тўғрисидаги Қонун лойиҳаси**» ҳам ишлаб чиқиш зарур деб ўйлайман.

— **Сизнингча, рақиблирингиздан устун жиҳатларингиз нимада?**

— Аслида инсонга ўзининг бировдан устун жиҳатларини айтиш қийин. Бирок, рақиблирим билан ўзимни таққослайдиган бўлсам, назаримда, менинг салкам 10 йиллик қонун чиқарувчи олий орган — Ўзбекистон парламентида ишлаб келётганлигим, қонунчилик жараёнларидан унча-мунча қардорлигим режаларимнинг энгил қўчишидан огоҳлик беради, деб ўйлайман.

## ОДИЛ ОЛИМЖОНОВ

(42-Янгиқўрғон сайлов округи)

Авалло, унинг қисқача ҳаёт йўлига назар ташланг:

«... 1957 йилда Қирғизистон Республикаси Ўш вилояти Олабуқа туманида хизматчи оиласида туғилган. **Партия-сиз. Олий маълумотли.** Тошкент халқ ҳўжалиги институтини тамомлаган. **Ихтисослиги — иқтисодчи. Иқтисод фанлари доктори, профессор.**

Меҳнат фаолиятини 1978 йилда Тошкент хўжалиги институти лобарантливидан бошлаган. 1979-1980 йилларда Москва Молия институти аспирантурасида тахсил олган. 1980-1981 йилларда ҳарбий хизматда бўлган. 1981-1984 йилларда Москва Молия институтида тахсил олишни давом эттирган ва ўриндошлик асосида кичик илмий ходим вазифасида ишлаган. 1984-1987 йилларда Тошкент Халқ ҳўжалиги институтида ассистент, доцент, 1987-1990 йилларда мазкур институтининг Андижон филиали директори ўринбосари вазифаларида ишлади.

1990-1992 йилларда Санкт-Петербург Иқтисодиёт ва молия университетининг докторантурасида ўқиди. 1992-1994 йилларда Андижон иқтисодиёт ва бошқарув институтининг проректори, (ўриндошлик асосида Молия кафедраси муdiri ҳам), 1994-1995 йилларда Ўзбекистон Республикаси Президенти давонинг ижтимоий-иқтисодий сиё-

сат масалалари бўйича консултант, фан таълими ва ижтимоий муаммолар бўйича етакчи консултант лавозимларида меҳнат қилди. 1995-1998 йилларда Ўзбекистон Республикаси Вазиirlар Маҳкамасида ҳудудлар ва тармоқларни ривожлантириш дастурлари бўлими бошлиғи, 1998-1999 йилларда Ўзбекистон Республикаси Макроиктисодиёт ва статистика вазирининг ўринбосари — агроиндустриал ривожлантириш департаменти бошлиғи, 1999 йилдан бошлаб, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлигида турли масъул лавозимларда самарали фаолият кўрсатмоқда. Аниқроғи, ҳозир вазирликнинг қишлоқда иқтисодий ислохотлар масалалари бўйича маҳмуа раҳбари ўринбосари — қишлоқ ҳўжалиги ишлаб чиқаришини ривожлантиришнинг иқтисодий таҳлили ва прогнозлаш бошқармаси бошлиғи лавозимида ишлаб келмоқда.

Дарвоқе, у илмий ва амалий фаолиятини қўшиб олиб бораётган етук масъулликлардан. — Мамлакат иқтисодиётининг долзарб муаммолари тўғрисида, жумладан республика иқтисодий мустақиллигини таъминлаш масалаларига бағишланган 13 та китоб, 100 дан ортиқ мақола эълон қилган.

Одил Олимжоннинг дастуридан олинган мана бу қўчималарга ҳам эътибор қилинг:



«... агар соҳада барча мулкий ва шартномавий-ҳуқуқий муносабатлар тизимини эркин бозор иқтисодиёти таъминлашга мувофиқлаштириш, қишлоқ ҳўжалигида хусусий мулкнинг ҳуқуқий макomini мустаҳкамлаш ва шу асосда деҳқонни ўзига қаршили ҳўжалик ҳамда ишлаб чиқарган маҳсулотининг ҳақиқий мулкдорига айлантириш; — мамлакатимизда етиштирилаётган пахта толасининг аксариятининг тайёр маҳсулотига қайта ишловчи мавжуд корхоналарнинг қувватини ошириш ва янгиларини бунёд этиш орқали аграр соҳанинг асосий тармоғи — пахтачиликнинг асосан хомаш ётказиб беришга мослашганлигини бартараф этишга қаратилган амалий қадамларни изчил давом эттиришга эришишни таъминлаш...»



## МАНСУР САЙДУЛЛАЕВ

(73-Бўка сайлов округи)

Халқ демократик партияси аъзоси. Оилали. Тўрт нафар фарзанди бор.

Мансур Сайдуллаев қаерда, қайси лавозимда ишлагани, ўз соҳаси бўйича янги йўللари, янги йўналишлар кидириши, одамларнинг дарду хасратларини, кўнглидаги айтар гапларини жуда яхши англаганлиги боис ёш бўлишига қарамадан жамоатчилик орасида ката обрў, эътибор қозонди. Одамларни доим эзгуликка чорлаш, уларга қўлдан келганча яхшилик қилиш унинг диққат марказида туради. Халқроқ терроризм ва диний экстремизмга қарши курашиш, жамиятда хотин-қизларнинг ўрнини мустаҳкамлаш, ёшларни ёт гоғларга кириб кетишларининг олдини олишга қаратилган кўплаб тадбирларни ташкил этиш Мансур Сайдуллаев асосий фаолиятининг бир қисмига айланган. Шу сабабли ҳам уни тез-тез деҳқонлар, зиёлилар, ёшлар, партиядошлар даврасида кўзгин суҳбатлар устида учратиш мумкин.

Айниқса, қишлоқ ҳўжалигидаги ислохотларнинг бориши, тадбиркорлик ва фермер ҳўжалиқларини ривожлантириш, аҳолининг муҳтож қатламини ижтимоий муҳофаза қилиш каби долзарб масалаларга у хар доим алоҳида эътибор билан ёндашади.

У қишлоқ аҳолининг, оддий одамларнинг муаммоларини яхши англайди. Шунинг учун у агар Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлигига сайланса, оддий одамлар, меҳнатқашларнинг манфаатларини қонунчиликда ифодалашни ўз дастурида акс эттиргач.

— **Қишлоқларда яшовчи аҳолининг ижтимоий муҳофазасини қўяйтириш, аҳолининг электр энергияси, табиий газ, ичимлик суви билан таъминловчи корхоналар томонидан истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини поймол этишга йўл қўймайдиган, қишлоқ мактаблари, касалхоналар ва бошқа ижтимоий аҳамиятга эга бўлган му-**

**ассасаларга маблаглар ажратилганда қишлоқ шартини ҳисобга олиб имтиёزلарни оширувчи қонунлар қабул қилинишига эришиш лозим** — дейди у. — **Қишлоқ ҳўжалигида фермерлик ҳаракатини ривожлантириш, фермерларнинг молиявий ҳўжалик ишларига асосиз аралашмаслик, қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари етиштирувчиларнинг мустақиллигини амалда таъминлашига қаратилган қонунлар яратиш кераклигини бугун ҳаётимизнинг ўзи тақозо этмоқда.**

Агар сайловчиларим ишончини қозониб Қонунчилик палатасининг депутатлигига сайлансам, ана шу нарсаларга кўпроқ эътибор қаратаман. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари қонунчилик қонунчилик ташаббуси билан чиқиш имконияти берилганлиги бу борада бизга кенг имкониятлар яратади.

## МИРЖАМОЛ ФУЛОМОВ

(79-Чиноз сайлов округи)

У 1961 йилда Чиноз туманида хизматчи оиласида туғилди. Ўзбекистон Халқ демократик партияси аъзоси. Олий маълумотли. 1993 йил ТИХМийини тамомлаган. Ихтисослиги — муҳандис-механик.

Меҳнат фаолиятини 1984-1991 йилларда «Уқишлоқ ҳўжалик таъминоту ташкили» да слесарь, механик, муҳандис технолоғ, баш муҳандис бўлиб бошлаган. Баш механик лавозимида ҳам ишлади. 1991 йилда «Қишлоқ ҳўжалик-кимё» да механизациялаштириш бўлими бошлиғи бўлди. 1992 йилда «М.Г.М» фермер ҳўжалигида раҳбарлик қилди. 2001 йилдан бошлаб Тошкент вилояти Чиноз тумани МТП АЖ сардори.

Қисқача таржимаи холи шу. Аммо унга берилган ижобий таърифномаларни ўқиб, мунозатликка номзодликка муносиб эканлигини дарҳол илғаб оласиз.

«... Миржамол Мирсодиқович Фуломов меҳнатсевар, соф-

дил, вазифасига масъулият билан қарайдиган ташаббускор мутаассис. Ўзига ҳам, қўл остида ишлайдиганларга ҳам талабчан. Тарбиявий ишларга мохир. Янги ёш мутахассисларга устоз. Қишлоқ ҳўжалигини механизациялашга катта эътибор беради...»

**Сайловолди дастуридан парча: «... аграр соҳада барча мулкий ва шартномавий-ҳуқуқий муносабатлар тизимини эркин бозор иқтисодиёти таъминлашга мувофиқлаштириш йўлида қабул қилинган қонуний ҳужжатларнинг ишлаш механизминини тақомиллаштириш борасида Парламент олдида тақлиф қўйиш ниятдаман. Янги қонун ва қонуности ҳужжатларига эса тўғрида хусусий мулкнинг ҳуқуқий макomini янада мустаҳкамлаш ҳамда деҳқоннинг ўзига қаршили ҳўжалик ва ишлаб чиқарган маҳсулотининг ҳақиқий мулкдорига айланиши учун хозирдан тайёрлаб қўйган махсус режаларини амалга оширишга ҳаракат қиламан.**


Қишлоқ ҳўжалиги техникаси, минерал ўғитлар ва тармоқ учун зарур бошқа (экологик муҳитга таъсирсиз!) кимёвий ҳамда биологик воситаларни ишлаб чиқаришни кенгайтиришга йўналтирилган инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга, кредитлашга имтиёزلар берилиши, қолаверса, рағбатлантирилиши тарафдориман...

Эътибор қилаёйсизми, номзоднинг дастури мағзида — мамлакатимизда қишлоқ ҳўжалигининг ривози, хусусан, пахтачилик истикболлари йўлида аввал бошдан қилиниши керак бўлган дастлабки юмушларнинг қонуний жараёнлари турибди. Аниқроқ айтганда, пахтачиликнинг асосан хомаш ётказиб беришга мослашганлигини бартараф этишга қаратилган мақсад-муддаолар ётибди.

— Масалан, — дейди Миржамол, — Қўйи Чирчиқ тумани ва Чиноздаги «Янгиобод» фермер ҳўжалиқлари уюшмаси таркибидagi меҳнат жамоалари қишлоқ ҳўжалиги техникалари учун им-



тиёзли кредитлар ажратилиши кенг йўлга қўйилишини қўлдан бунён кўтиб юришибди. Фермер ҳўжалиқлари ҳудудда ишсиз қолган пудратчилар эса энди иш билан таъминланишини талаб қилишяпти. Маҳсулотни қайта ишловчи кичик корхоналарни қўяйтириш ва уларга чет эл сарможаларини янада кўпроқ жалб этиш ҳам ҳаёт тақозаси. Мана шундай қўнуччилик ва истикболли режалари билан аҳоли ўртасида ҳам, республика партия фаоллари орасида ҳам ҳурмат-эътибор топан Миржамол Фуломов депутатликка муносиб номзод деб ўйлаймиз.



## СИРОЖИДДИН АЪЗАМОВ

(81-Қибрай сайлов округи)

тинчимаслиги билан обрў-эътиборга эга.

Сирожиддин Аъзамов меҳнат фаолиятини 1969 йилда Тошкент ирригация ва қишлоқ ҳўжалигини механизациялаш муҳандислари институтида лаборантликдан бошлаб, кейинчалик мазкур институтида тахсил олган. Институти тамомлаганидан сўнг, Ипакчилик конструкторлик бюросида муҳандис-конструктор, Тошкент тумани қишлоқ ҳўжалик машиналарини таъмирлаш корхонасида товаршунос, катта муҳандис, директор лавозимларида ишлади. У қайси лавозимда ишлагани, доимо ёшлар орасида бўлиб, уларга етакчилик қилди.

Шунинг учун бўлса керак, вақти келиб, уни ёшлар ташкилотининг Тошкент тумани қўмитаси биринчи котиби этиб сайлашди. Сайланма лавозимдаги самарали меҳнатидан сўнг у яна ўзи меҳр қўйган иш — қишлоқ ҳўжалик соҳасига қайтди. Сирожиддин Аъзамовнинг жўшқин меҳнат фаолияти қишлоқ ҳаёти

билан чамбарчас боғлиқ ҳолда бой мазмунга, самарага эга бўлди. Ишчан, ғайратли, ташаббускор кадр туман раҳбарияти назаридан четда қолмади. 1992 йилда Тошкент тумани ҳокими ўринбосари лавозимига тайинланди. Ушбу лавозимда ишлаб турган вақтида ҳам у жамоат ташкилотлари билан алоқани узмади, қўлидан келганча уларни қўллаб-қувватлади. Шундан бўлса керак, 1997 йилда уни Ўзбекистон ХДП Тошкент тумани кенгаши биринчи котиби, 1998 йилда эса Тошкент вилоят кенгаши уюшмалари кенгаши раисининг ўринбосари лавозимларига сайлашди.

Сирожиддин Аъзамов бугунги кунда халқ депутатлари Тошкент вилояти кенгашида УзХДП гурухи фаолиятини самарали бошқариб келмоқда. Бир вақтининг ўзида у халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг ижтимоий-маданий ривожланиш доимий комиссияси раиси сифатида ҳам фаол иш олиб

бормоқда. Сирожиддин Аъзамов ишчан, ғайратли, сўз ва иш бирлигига жиддий амал қиладиган, иродали, ташаббускор, бошлаган ишини охирига етказадиган, қобилиятли, талабчан, кенг мушоҳадали, сиёсий етук, инсонпарвар раҳбар ҳодим. У маҳалла, жамоатчилик орасида ҳурмат ва эътиборга лойиқ яхши дўст, диққаш инсон, меҳнатқашларга, фахрийларга, ногиронларга, кўп боғлиқ оилаларга моддий ва маънавий мададкордир.

Сирожиддин Аъзамов ўзининг сайловолди дастурида **солиқ сиёсатини барқарорлаштириш, аграр сиёсатда деҳқонлар манфаатини ҳимоя қилиш, моддий ва маънавий ёрдамга муҳтож кишиларга мададкор бўлиш, иқтидорли ёшларнинг юксаклик сари парвозига кўч бағишлаш учун бел боғлаган инсонлардан бири.**

## ЭРНАЗАР МАҲМУДОВ

(119-Чимбой сайлов округи)

У 1944 йилда Қашқадарё вилояти, Шахрисабз туманида деҳқон оиласида туғилган. Ўзбекистон Халқ демократик партияси аъзоси. Тошкент ирригация ва қишлоқ ҳўжалигини механизациялаш муҳандислари институтини тамомлаган. Ихтисослиги — муҳандис-гидротехник, техника фанлари доктори. 2 та монография, 2 та патент ва 90 тадан ортиқ илмий асарлар муаллифи.

Меҳнат фаолиятини 1961 йилда Шахрисабз туманида ўрта мактабда ўқитувчиликдан бошлади. 1963-1966 йилларда ҳарбий хизматни ўтаб қайтиб, 1970 йилда институти имтиёзли диплом билан тамомлаган. 1970-1973 йилларда Тошкент ирригация ва қишлоқ ҳўжалигини механизациялаш муҳандислари институти аспирантурасида тахсил олган.

Аспирантура якунида техника фанлари номзодлик дис-

сертациясини ёқлаб, 1973 йилларда гидравлика кафедрасида ассистент, 1975-1990 йилларда мазкур институти Қарши филиалида кафедра муdiri, гидромелиорация факультети декани, илмий-ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари, директор лавозимларида ишлади.


1990-1992 йилларда Урта Осиё ирригация илмий-техник институтида баш илмий ходим, 1992-1997 йилларда Ўзбекистон Фанлар академияси Сув муаммолари институти директорининг илмий-ишлар бўйича ўринбосари, Зангиота тахриба-экспериментал ҳўжалиги директори бўлиб фаолият кўрсатган.

1997 йилдан бунён Ўзбекистон Фанлар академияси Сув муаммолари институти директори лавозимида ишлаб келаяпти.

Оилали, 8 нафар фарзанди бор. Сайловолди дастури: — **халқимизнинг иқтисодий аҳоли, ижтимоий турмуш тарзи бевосита қишлоқ ҳўжалиги ишлаб чиқариши билан**



Ўзбекистон жаҳон бозорида нуфузини ошириш учун рақобатбардор маҳсулот чиқариши керак. Илм-фанда эришилган ютуқ, кашфиёт мамлакатнинг иқтисодий ривози неғизидир. Шу боис илмий фаолиятнинг раванки учун бозор иқтисодиётига ўтиш давридаги вужудга келатган ҳуқуқий муносабатларни, илмий муассаса ва ташкилотларнинг ҳуқуқий ўрни, фаолияти ҳамда илм аҳлини ижтимоий ҳимоялашни кафолатлайдиган қонун ҳам ишлаб чиқиш мумкин.



### МСК ИСТЕЪФОГА ЖЎНАТИЛАДИ

Украина олий раҳбарияти вакиллари ва шу мамлакатта таъриф буюрган халқаро кузатувчилар иштирок этган «думалоқ стол» атрофидаги йиғилишда бир қатор келишувларга эришилди, деб хабар беради РИА «Новости».



Сешанбага ўтар кечаси тузган бу учрашув якунларига кўра, тайёрланган ҳужжатда шундай дейилган: «томонлар Украинанинг янги президентини сайлаш бўйича сайлов жараёнларининг барча иштирокчилари Украина Олий судининг қиёда қабул қилган қарорини сўзсиз бажаришлари ҳақида ўзаро келишувга эришилди».

Шунингдек, томонлар Украина президенти Марказий сайлов комиссияси аъзоларининг ваколатини муддатидан олдин тўхташи ва Олий Радага МСК аъзоларининг янги номзодларини тақдим этиш юзасидан ҳам келишиб олдилар.

Битимга президентликка номзодлар Виктор Ющенко ва Виктор Янукевичлар имзо чекидилар.

### МАСЪУЛИЯТНИ «АЛ-ҚОИДА» ЎЗ ЗИММАСИГА ОЛДИ




Жиддада АҚШ консулликга уюштирилган босқинчилик масъулиятини «Ал-Қоида» ташкилотининг Саудия қаноти ўз зиммасига олди, деб хабар тарқатди Reuters агентлиги.

Расмий маълумотларга кўра, душанба кuni эрталаб қуролланган кишилар гуруҳи АҚШ консулигининг асосий дарвозасига портлаш қурилмаси улоқтириб, ичкарига киришган ва дипломатик маҳкаманинг 18 нафар ходимини гаровга олишган. Ҳужум пайтида консулик ходимларидан беш киши ўлдирилган. Дастлабки маълумотларга кўра, қурбонлар орасида АҚШ фуқаролари йўқ.

### ОСМОНЎПАР БИНОДА ЁНГИН

Чикаго шаҳридаги 45 қаватли осмонўпар бинода ёнгин содир бўлди, деб хабар берилди NBC5 телеканали сайтыда. Дастлабки маълумотларга қараганда, ёнгин бинонинг 29-қаватида чиққан. Ёнгиндан камиди 25 киши жабранганлиги ва улар орасида ўт ўчирувчилар ҳам борлиги айтилмоқда. Уларнинг ҳаммаси шифохоналарга ётқузилган.



Ёнгин нимадан келиб чиққанлиги ҳозирча маълум қилинмаётти.

### КОНСТИТУЦИЯГА ЎЗГАРИШ КИРИТИШМОҚЧИ

Япониянинг амалдаги конституциясига ўзгаришлар киритиш ҳақида ҳуқуқдон Либерал-демократик партия тайёрлаган лойиҳада қуролли кучларни ташкил этиш борасида тақлифлар билдирилган. Япон газетасининг хабар беришича, лойиҳада мамлакат мудофааси учун Куролли Кучлар ташкил этилиши ва у ўзини ўзи ҳимоя қилиш ҳуқуқини амалга ошириши керак. Мамлакатнинг барча фуқаролари эса ватанини ҳимоя қилишга мажбур эканлиги очик-ойдин айтилган.

Холбуки, иккинчи жаҳон урушидан сўнг қабул қилинган Япониянинг амалдаги конституцияси 9-моддасида: «бундан кейин пиедалар, денгиз ва харбий-ҳаво кучлари, шунга ўхшаш бошқа уруш қўлатилари ҳеч қачон ташкил қилинмайди», деб ёзиб қўйилган.



### МОЛИЯВИЙ МОНИТОРИНГ

Молия мониторинги бўйича федерал хизмати (Росфинмониторинг) ишлаб чиққан жинойий йўл билан олинган даромадларни ўзлаштириш ва терроризмининг молиялаштиришга қарши миллий кураш стратегияси лойиҳаси Россия президентига тақдим этилди.

Ҳужжатда қандай тадбирлар тақлиф этилгани ҳозирча номаълум. Бироқ, ГАЗЕТА GZT RU наشري концепцияни тайёрлаган ишчи гуруҳи аъзолари томонидан қандай гоя илгари сурилганини аниқлашга муваффақ бўлган.

Умуман, гуруҳ молиявий жиноятларга қарши курашишда Росфинмониторингга бош идора ваколати берилишини назарда тутди. Қўшимча ваколатлар сифатида эса у йўналишда: ҳуқуқ-тартибот тизимида молиявий сурштиришга жавоб берадиган малякали кадрлар тайёрлаш; хизмат жаҳасига кирадиган жиноятлар рўйхатини кенгайтириш; қонунбузарларга таъсир ўтказувчи қўшимча маъмурий дастлақларни яратиш масалалари тақлиф этилган.

### 2004 йил — Меҳр ва мурувват йили

## «МЕҲР МАМЛАКАТИ» МУАЛЛИМЛАРИ...

«Энг яхши меҳрибонлик уйи» ва «Энг яхши меҳрибонлик уйи тарбиячиси» кўрик-танловининг Тошкент шаҳар босқинчи бўлиб ўтди

Бугунги кунда пойтахтимиздаги мавжуд олти Меҳрибонлик уйида 800 га яқин бола таълим-тарбия олмақда. Бу масканларда «Меҳр ва мурувват йили» Давлат дастури доирасида жуда катта ишлар амалга оширилди. Бинолар капитал таъмирдан чиқарилди. Давлат маблағи ва ҳомийлар ҳисобидан керакли жиҳозлар, компьютер техникалари билан таъминланди. Бундан ташқари, тизимдаги кутубхоналар фаолияти яқшиланди. Тарбияланувчиларнинг ўқув адабиётлари, спорт анжомларига бўлган талаби қондирилди. Бугина эмас, болалар қалбида меҳр, Ватан ва миллатга муҳаббат туйғуларини уйғотиш, улар одамлар эътиборида эканлигини аниқлаш умумхалқ ишига айланди.

Ушбу кўрик-танловнинг ташкилотчилари **Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги** ва «**Сен ёлғиз эмассан**» Республика жамоатчилиги болалар жағмараси директори Жавлон Эгамбердиевлар иштирок этиб, қатнашчиларга омад тилашди.

Эслатиб ўтамиз, бу танлов республикамизда биринчи мартаба ўтказилмоқда. Унда пойтахтимиздаги бешта — 21, 23, 24, 30, 31-Меҳрибонлик уйлари иштирок этишди. Икки босқинда ўтказилаётган танловнинг биринчи шарт бўйича Меҳрибонлик уйлари ўз фаолиятларини сахна кўринишларида ифода этидилар. Унда дарс жараёни, тарбиявий соатлар, спорт машғулотлари, шеърхонлик, рақс, қўшиқ санъати каби чиқишлар намойиш этилди. Бу талаблар бўйича иштирокчилар ўз маҳоратларини кўрсатишди. Шундан сўнг, ҳақамлар ҳайъатининг ҳулосаси эълон қилинди. Унга кўра **Юнусобод тумани-**

**даги 31-Меҳрибонлик уйи** пойтахтдаги «Энг яхши меҳрибонлик уйи» деб топилди.

— Ушбу кўрик-танловда соҳирли ўринлардан бирини кўлга киритиш учун ҳаракат қилган эдик, — дейди 31-Меҳрибонлик уйи директори Зулфия Анаварова. — Бунда албатта болажонларимизнинг меҳнати ҳам катта бўлди. Билим ва меҳр даргоҳида 150 нафар ўғил-қизларимиз қамолга етмоқда. Уларнинг ҳар бири қобилиятли, илмга чанқоқ ёшлар. Тарбияланувчилар учун 9 та тўғарақ фаолият кўрсатмоқда. Меҳрибонлик уйлари болаларига, уларнинг тарбиясига берилаётган эътибордан биз педагогларнинг қалби тоғдек кўтарилди.

Танловнинг иккинчи шарт бўйича **30-Меҳрибонлик уйи тарбиячиси Феруза Усмонхўжаева 1-ўринни эгаллади** ва «Энг яхши меҳрибонлик уйи тарбиячиси» деб эътироф этилди.

— Менинг бугунги ютуғим жамоамизнинг, шунингдек, тарбияланувчиларимизнинг ҳам галабасидир, — дейди Феруза Усмонхўжаева. — Биз болажонларимиз билан жуда катта тайёргарлик кўрдик. Бу танловнинг ташкилотчиларига ўзимнинг миннатдорчилигимни билдирмоқчиман. Бундай тадбирларни кейинги йилларда ҳам давом этишини истар эдим. Меҳрга ташна болажонлар таълим ва тарбиясига бутун ҳаётини бағишлаганман. Мен учун улар худди ўз ўғил-қизларимдек. Бугунги менга билдирилган ишончдан руҳланиб, янада гайрат билан меҳнат қилмоқчиман...

Кўрик-танлов якунида унинг ташкилотчилари ўзларининг қимматбахо совғаларини голибларга тантанали суратда топширдилар.

Энди навбат кўрик-танловнинг республика босқинчига.

**Маъмуржон МАХМУД**  
«Ўзбекистон овози» мухбири



### ПОЧТА ХИЗМАТИДАН КИТОБЛИКЛАР МАМНУН

«Қашқадарё почта» акциядорлик жамиятининг Китоб филиалида одамларга почта хизмати кўрсатиш бугунги кун талаблари даражасида ташкил этилган бўлиб, обуначиларга газета-журналлар ва хат-хабарларни вақтида етказиш намунали йўлга қўйилганлиги ижобий самара берапти.

Шу йилнинг ўзида бу ерда коммунал тўловлари йиғиш, пул, посылка, нафақалар, жўнатилиш, обуналар уюштириш, газета-журналлар сотиш, телеграф, шаҳарлараро сузлашув, телефон сингари тўловлар, лотерея ва қўшимча хизматлар турлари бўйича 44243600 сўмлик даромад олинган бўлса, шундан 762000 сўмини соф фойда ташкил этди.

Филиалда 2005 йил учун даврий нашрларга обуна ҳам кўнгиладигидек бормоқда. Утган йилнинг шу даврида 65 миллион сўмлик обуна қилинган бўлса, ҳозир 90 миллион сўмга етди. Бунда почта филиалининг марказий ва 18 та алоқа бўлимлари хизмати катта.

Суратларда: 1. Китоб почта филиали директори Махмуд Эрашев жамоа ходимлари билан суҳбатда. 2. Обуна бўлими бошлиғи Гавҳар Халилова обуначилар билан.

Баҳром МУРОД олган суратлар.



### «Ёнгин хавфсизлиги ойлиги»

## ЖАНГОВАРЛИК НАМОЙИШ ЭТИЛДИ



Юртимизда «Ёнгин хавфсизлиги ойлиги» давом этмоқда. Бундай хайрли тадбирнинг аънаёна айлангани ёнгин хавфи ва ноҳушликларни бартаф этилишига сабаб бўлмоқда. Уй-жой, турли бино, ўсимликлар, ҳайвонот дунёси асраб қолинмоқда. Кун кеча пойтахтнинг Сирғали тумани-

даги Политехника коллежида барча талаба ва ўқувчилар тўпландилар. Тадбирда ёнгин хавфсизлиги ходимлари томонидан ўт ўчиришнинг янги, замонавий техник асбоб-ускуналари намойиш этилди, уларни жанговар ҳолда, ўта тезкорлик билан ишлатиш, йиғиш тартиби билан таништи-

рилди. Ёнгин хавфсизлиги қондаларига бағишланган деворий газетанинг махсус сони ўқувчиларда яхши таассурот қолдирди.

— Бугунги ўтказилган бу тадбирда ёшларимиз талайгина янгиликлардан хабардор бўлдилар. Ушбу мавзуга бағишлаб қизиқарли викторина ва кичик мусобақалар ўтказдик, голибларга эсдалик совғаларини топширдик, — дейди туман ёнгин хавфсизлиги бошлиғи Зайниддин Юсуфалиев. — Уйлайманки, улар энди ёнгиннинг олдини олиш газ ва электр асбоб-ускуналаридан эҳтиёткорлик билан фойдаланишга ҳаракат қиладилар.

Умида МАНСУРОВА

### Иқтисодиёт ва ислоҳот

Бу йил Қорақалпоғистон Республикасида пахта йили бўлди, десак муболага бўлмайди. Чунки режадаги 176 минг тонна ўрнига 184 минг тонна юқори сифатли пахта етиштирилиб, пахта пунктларига ва ўз навбатида қайта ишловчи заводларга етказиб берилди. Айниқса келгуси йил ҳосили учун пухта замин сифатида кўплаб уруғлик пахта ҳам тайёрлангани қувончли. Бугунги кунда анча мўл ҳосил қайта ишланиб, толага айланганлиги аниқ. Пахта чигити ҳам сифатли, мағзи тўқ бўляпти. Бу эса ёғ заводлари учун баракали хомашё дегани.

— Албатта, — деди биз билан суҳбатда Беруний «Ёғар» очик акциядорлик жамияти раиси Давлатбой Каримов. — Шу йилнинг июнь ойи бошларида «Ёғмойтмаксаноат» уюшмаси томонидан ишлаб чиқилган тадбирлар бўйича иш юрtdик. Кузги-қишги мавсумга тайёргарлик ва

лари, буг қозонлари ҳамда ёрдамчи ускуналар таъмирланди. Барча биноларнинг томлари англоланди. Шуни алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиманки, кўпгина таъмирлаш ишлари ўзимизнинг ишчи-хизматчилар, механика цехи жамоаси томонидан амалга оширилди. Авваллари биз қабул қилиб олган хомашё, яъни чигит март-апрел ойларидаёқ

Корхона шу йилнинг ўтган ойлари ичида анча салмоқли ютуқларга эришди. Режадаги 5500 тонна ўрнига 11571 тонна чигит қайта ишланди. 896 тонна ўрнига 1663 тонна оқартирилган ёғ ишлаб чиқарилди. 1084 тонна қадоқланган ёғ тайёрланди, истеъмолчиларга етказиб берилди. Ялпи маҳсулот ўтган йилга нисбатан 106,9 фоизга

каси Вазирлар Маҳкамаси ва Қорақалпоғистон Республикаси Давлат Мулк қўмитасининг қарорига кўра, «Ёғар» Низом жағмараси 51512,6 миң сўмини ташкил этди. Энди умумий акциялар сонини 15998 донага етди. Номинал қиймати 3680 сўм. Шундан давлат улуши 25 фоиз — 3499 дона акция. Қиймати — 12876,3 миң сўм, меҳнат жамоаси улу-

лар ишлаб чиқилди, — дейди жамият касабаси уюшмаси раиси Муҳаббат Жуманова. — Ходимларнинг ойлик маошлари ўз вақтида бериб бориляпти. «Наврўз» умумхалқ байрами муносабати билан қўқаламзорлаштириш ва обдонлаштириш ойлиги ўтказилди. Бунда ҳамма қатнашди. Корхона худудидида ва Охунбобоев маҳалласида ариқ ва зовурларни тозалаш, мевали ҳамда ман-

рқатилди. Меҳнат шартномасига кўра, ишловчиларнинг фарзандлари никоҳ тўйида корхона томонидан 10 ойлик маош миқдоридан моддий ёрдам берилди. 50.60.70 йиллик тантаналарини ўтказиб, одамларга ҳам 10 ойлик маош миқдорида муқофот берилди.

Дарвоқе, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ўтган йилга нисбатан 116 фоизга ошди. Бу кўрсаткич 1 миллиард 845 миллион 560 миң сўмини ташкил қилди. Меҳнат унмдорлиги ҳар бир ишловчи ҳисобига 2 миллион 345 миң сўм ўрнига 3 миллион миң сўмини ташкил қилди.

Айни кунларда корхонанинг аҳил жамоаси янги ҳосил чигитини қайта ишлашни давом эттиряпти. Йил охиригача яна 5 миң тонна чигитини қайта ишлаш учун ҳаракат қилинапти. Бу билан корхона шу йил қайта ишланган чигит миқдорини 17 миң тоннага етказмоқчи. Бу эса ўз навбатида миңглаб тонна ёғ, кунжа, шелуха дегани. Демак, корхона ишчи-хизматчиларининг эртанги кунини янада баракали, фаровон бўлажак.

Шоҳайдар  
МИРҲАБИБОВ,  
Мирбахтиёр  
МИРҲАБИБОВ,  
«Ўзбекистон овози»  
мухбирилари

Суратларда: корхонадаги иш жараёнидан айрим лавҳалар. Суратларни муаллифлар олган.

## ПИРОВАРД НАТИЖА — ФАРОВОНЛИК КАЛИТИ

ДЕЙИШМОҚДА, БЕРУНИЙ «ЁҒАР» ОАЖ ИШЧИ-ХИЗМАТЧИЛАРИ



уни талофатсиз ўтказиш бўйича комиссия тузилиб, унинг таркиби тасдиқланди. Масъул ходимларга аниқ вазифалар берилди. Авваламбор, электр таъминоти узлуксиз бўлишини таъминлаш мақсадида асосий ва захирарадаги узатгич тармок-


қайта ишлаб бўлинар эди. Бу йил эса ёғчиларнинг қувончи чексиз. Назаримда мана шу чигитларни келгуси йил ҳосили етилгунча қайта ишлаймиз. Халқимизга сифатли ёғ етказиб берамиз.

етди. 964 миллион 491 миң сўмлик маҳсулот тайёрланди. Натيجида акциядорлар мўмайгина даромад ҳам олишди. Ҳозирги пайтда корхонада ойлик иш ҳақи ўртача 57177 сўмини ташкил этмоқда. Ваҳоланки, ўтган йили бу кўрсаткич 43011 сўм эди.

Корхона 1997 йилдан Беруний «Ёғар» акциядорлик жамиятига айлантирилган эди. 1998 йилга келиб, Қорақалпоғистон Республикаси Давлат Мулк қўмитасининг қарорига кўра «Ёғар»нинг Низом жағмараси 2095,5 миң сўмдан 2793,0 миң сўмга оширилди. Ушанда умумий акциялар сонини 11172 дона бўлиб, уларнинг номинал қиймати 250 сўм эди. 2001 йилда эса Ўзбекистон Республи-

ши 10 фоиз — 1400 акция, суммаси — 5122,0 миң сўм. Акцияларнинг 25 фоизи, яъни 3499 донаси чет эл инвесторлари улушига ташкил этди. Қиймати — 12876,3 миң сўм. Эркин сотувга эса 40 фоизи — 5600 дона акция чиқарилди. Қиймати — 20608,0 миң сўм. Бу корхонанинг қуввати ошиб бораётганидан далолатдир.

Шуни айтиш керакки, корхона қанчалик кўп даромад олса, ишчи-хизматчиларнинг манфаатдорлиги ҳам орта боради. Манфаатдорлик бор жойда эса ютуқлар салмоғи ошаверади. Масалан, ўтган йил якунлари бўйича 20 миллион 792 миң сўм дивиденд ажратилиб, акциядорларга тўлиги билан тарқатилди.



яхшиланапти. Айни пайтда ҳар кун одамларга 750 сўмдан овуқат пули ажратилаётир.

— Меҳр ва мурувват йилини муваффақиятли ўтказиш учун корхонамизда махсус комиссия тузилиб, тегишли тадбир-

зарали дарахт кўчатлари ўтказилди. Кам таъминланган ишчилар, меҳнат фаришларига мунтазам равишда ижтимоий ёрдам кўрсатиб келинмоқда.

Бундан ташқари 2 миллион 700 миң сўмлик иш қийимлари олиниб ишчиларга та-

Спорт

«ЯНА ТОШКЕНТДА УЧРАШГУНЧА...»

ПОЙТАХТИМИЗДАГИ «ЖАР» СПОРТ МАЖМУИДА КАРАТЭ БЎЙИЧА БОЛАЛАР ВА ЎСМИРЛАР ЎРТАСИДА ИЛК МАРОТАБА МАРКАЗИЙ ОСИЁ ОЧИҚ ЧЕМПИОНАТИ ЎТКАЗИЛДИ

риши. — Углим Шухратжон ўн бир ёшга тўлди, — дейди Мохира Вахобова. — Каратэ унинг жону дили. У Шайхонтохур туманидаги 167-мактабнинг 5-синфда ўқиш билан биргаликда дарсдан бўш вақтларида «Билал» спорт клубида каратэ билан шуғулланапти. Кўпинча ўглимни машғулотларга ўзим олиб бораман. «Ойи, мусобақага ҳам боринг. Мен албатта медал оламан», дегани. Болам ўз сўзининг устидан чиқди. Хозир кувончим ичимга синади. Шухратжон кумита

хисобда вакилларимиз биринчи, Қозғистон ва Қирғизистон ёш каратэчилари кейинги ўринларни эгаллашди. — Марказий Осийё очик чемпионати ёш каратэчиларимиз учун катта байрамга айлиб кетди, — дейди каратэ бўйича Ўзбекистон

ёшлар терма жамоаси бош мураббийи, III-ДАН қора белбоғ соҳиби Аюбхон Тошбоев. — Авваллари бундай катта мусобақаларда асосан пойтахтликлар голиблик учун даъвогар бўлишарди. Чемпионат якуни шуни кўрсатдики, айни пайтда республикамизнинг барча вилоятларида каратэ жадал ривожланмоқда. Қишлоқларимизда улғаяётган ёш каратэчиларимизнинг аксарияти ноёб иктидорга эга. Улар мана шундай мусобақаларда чинқил, бундан-да нуфузли турнирларда юрт шарафини муносиб ҳимоя қила олишади, десам муболажа бўлмайди.

Мамлакатимизда болалар спортини ривожлантириш, каратэни янада оммавийлаштиришга хизмат қилувчи мазкур чемпионат якунида энг умидли ва кучли спортчилар муносиб тақдирланди. Чемпионат ташкилотчилари ушбу мусобақанинг келгусида анъанавий бўлиб қолишига келишиб олдилар. Ёш каратэчилар эса бир-бирларининг қўлларини маҳкам сиқиб, «Яна Тошкентда — II Марказий Осийё очик чемпионатида учрашгунча!», дея хайрлашдилар.

Эркин ХОЛБОВО, «Ўзбекистон овози» мухбири Суратда: Каратэ миллий федерацияси президенти Нурхон Нафасов чемпионатнинг бир гуруҳ голиб ва совриндорлари билан. Мухаммад АМИН (ЎЗА) олган сурат



«Обуна — 2005» «МУЛОҚОТ»ГА ОБУНА БЎЛДИНГИЗМИ? Журналнинг энг диққатга сазовор жиҳати шундаки, унда республикамизнинг таниқли олимлари, мутахассислар билан бирга, оддий замондошларимиз ҳам ўз фикри, юрак сўзларини ихзор этиб келишмоқда. Журнал доимо ёшларни маънавиятга, вафо ва садоқатга, эътиқодли бўлишга чорлаб келмоқда. «Мулоқот» ана шу тарзда ижтимоий фикр майдонига айланди. 2005 йилда чоп этилажак сонларда халқимизнинг урф-одатлари, миллий анъана ва удумлари ёритилган мақолалар билан бирга, фуқаролик жамияти ва баркамол шахс, ҳуқуқий мерос, маънавият ва мафкура, маърифат ҳақида баҳс-мунозаралар эълон қилинади. Давримизнинг энг долзарб масалаларига дадил муносабат билдириб, халқимиз тарихи, унинг бой маданий мероси ва анъаналарини кенг тарғиб қилиш асосида миллий истиқлол ғоясини мустаҳкамлашга, миллатнинг маънавий-маърифий раванқига катта ҳисса қўшаётган «Мулоқот» журнали кўнглингизга нур, хонадонингизга файз, онгингизга зиё бахш этишига ишонамиз. Нашр кўрсаткичимиз — 844.

Уч кун давом этган ката ва кумитэ баҳсларида мамлакатимиз ҳамда Қозғистон, Қирғизистон, Тожикистон республикаларидан ташриф бурган 1200 нафардан зиёд ёш каратэчилар голиблик учун баҳс юритдилар. — Каратэчиларимиз 16-18 декабрь кунлари Словенияда болалар ва ўсмирлар ўртасида ўтадиган анъанавий халқаро турнирда иштирок этиш билан бу йилги мусобақаларни якунлайдилар, — дейди Ўзбекистон каратэ миллий федерацияси президенти, III-ДАН қора белбоғ соҳиби Нурхон Нафасов. — Юртимизда илк бор уюштирилган Марказий Осийё очик чемпионати эса ана шу нуфузли мусобақа олтидан терма жамоаси учун муҳим тайёрларлик босқичи вазифасини ўтади. Маълумки, кейинги йилларда Ўзбекистон каратэчилари нафақат қитъа, балки жаҳон миқёсида ўтаётган мусобақаларда голиб ва совриндорлар қаторидан ўрин олишмоқда. Менимча, юртимизда ҳам Осийё ва жаҳон чемпионатларини ўтказиш вақти етди, тажрибамиз ҳам оз эмас. Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги билан ҳамкорликда уюштирилган чемпионат баҳсларида ёш каратэчиларнинг чиқишларини ота-оналар ҳам ҳаяжон билан кузатиб бо-

ЯНГИ ҚОИДАЛАР, ЖАРИМАЛАР, ЧЕКЛОВЛАР

буларнинг ҳаммаси футбол ривожига хизмат қилади

Бугунги кунга келиб футбол шу даражада оммавийлашмоқдаки, бу унинг қондаларини мунтазам равишда такомиллаштириб боришни тақозо этаптир. Утган аср охирига келиб кўплаб «жабрдийда» мулкислар томонидан «олтин гол» қондасини йўқотиш ғояси пайдо бўлди. 2000 йилги Европа чемпионатининг финал учрашувида бутун ўйин давомида ҳисобда олдинда борган Италия терма жамоаси (1:0) сўнгги дақиқаларда дарвозасидан тўп ўтказиб юборди. Қўшимча таймининг бошида эса тасодифий гол билан олтин медалларни французлар илиб кетган эди. Ушундан Халқаро футбол федерацияси раҳбарияти италиялик ишқибозлар кўз-ёшлари тимсолида олтин гол қондасининг нақадар шафқатсиз эканлигига амин бўлишди, шекилли, кўп ўтмай энди мусобақаларда бу қондига амал қилинмаслиги ҳақида хабар тарқалди. Лекин 2002 йил... Яна жабрланувчи ролида бечора Италия! Осийёга «гранд» жамоалардан бири сифатида ташриф буорган апеннинликлар чорак финалда Жанубий Корея билан учрашувда «олтин тўп» ўтказиб юборди. Халқаро футбол ташкилотларида яна музокаралар, мунозаралар давом этди. Нихоят, 2004 йил ҳақиқат қарор топди. Португалия яшил майдонларидан бўлиб ўтган Европа чемпионати ва Хитойдаги Осийё чемпионатида «олтин гол» қондасига амал қилинмади. Ёдингизда бўлса, ушбу нуфузли мусобақалардаги Португалия — Англия ва Ўзбекистон — Баҳрайн учрашуви мурасииз бахсларга бой бўлганлиги билан бир-бирига жуда ўхшаш

кечган эди. Қизиги шундаки, ҳар иккала жуфтлик ҳам чорак финалда тўқнаш келган ва иккала ўйинда ҳам асосий вақтда 1:1 ҳисоби қайд этилган. Қўшимча белгиланган биринчи таймларда ҳисоб ўзгаради, аммо янги қондига мувофиқ ўйин шу захоти тўхтатилмади. Мазкур учрашувларда кейинчалик яна ҳисобнинг тенглашиши янги жорий этилган «кумуш тўп» қондасининг қанчалик тўғри қарор эканлигини кўрсатиб турибди. Ахир, барча спорт турлари каби футбол ҳам кураш ва ирода синовидаи. Шу боис, жамоа ўз кучи, интилишларини ноёён этишига имконият бериш мақсадида «олтин гол» қондасидан воз кечилди. Сўнгги йилларда футболчилар фуқаролигини ўзгартириб, бошқа терма жамоаларга «солиб» кетиши авж олиб бораётган эди. Халқаро футбол федерацияси (ФИФА) яқинда шундай ҳолатларни тартибга солувчи янги қондани жорий этди. Унга қўра, бошқа мамлакат фуқароси бўлиш учун футболчига қуйидаги тўрт шартдан бири тегишли бўлиши лозим: 1. У ўша мамлакатда туғилган бўлиши; 2. Унинг ота-онаси (ёки улардан бири) ўша мамлакатда туғилган бўлиши; 3. Унинг бобоси ёки буvisи ўша ерлик бўлиши; 4. Футболчи зулусиз икки йил ўша мамлакатда яшаган бўлиши. ФИФА матбуот котиби Андреас Херроннинг айтишича, ушбу янги қондани беҳабар ҳолда бошқа мамлакат фуқаросига айланган футболчилар ҳам эндиликда ўзининг «иккинчи ватани» учун майдонга тушолмайди. Эслатиб ўтамиз, бу

қоида Қатар терма жамоаси Германия бундеслигасининг энг кучли футболчиларидан ҳисобланган бразилиялик Айлтон, Деде ва Леандрони ўз сафига қўшиб олишга ҳаракат қилаётганда ишлаб чиқилди. — Биз тўғри қарорга келдик. Амиманки, бу қоида футбол ривожига учун хизмат қилади, — дейди Андреас Херрон. — Бинобарин, жаҳон чемпионати саралаш баҳсларида фирром йўлдан борганлар доғда қолишиди. Бу эса ўз навбатида дунё узра ҳалол, адолатли футболни тараққий эттиришга хизмат қилади, деб ўйлаймиз. Айни пайтда ФИФА президенти Йозеф Блаттер футбол қондаларига олашмуш ўзгартириш киритмоқчи. Унинг фикрича, ҳар бир ўйинда албатта голиб аниқланиши лозим. Мабоодо, ўйин дурган натижа билан якунланса, голиблик пенальтилар сериясида аниқлаш керак, деган фикрни билдирди у. — Ҳар бир ўйинда голиб ва мағлуб аниқланади. Футболда ҳам шундай қилиш вақти келди, — дейди Езеф Блаттер Германиянинг СИД спорт агентлигига берган интервьюсида. — Ўйлайманки, пенальтилар голиблик усули. 30 дақиқалик қўшимча таймлар эса мезбон жамоа учун ўз майдонидан иккинчи ўйин дегани. Баъзан халқаро ўртоқлик учрашувларида оммавий тарзда алмаштиришлар оқибатида майдонда кимлар ҳаракат қилаётганини ҳам тушуниб бўлмай қоларди. Лондондаги Халқаро футбол федерациялари иттифоқида (IFAB) бу бертартибликнинг олдини олиш бўйича тақлифлар кўриб чиқилди. Унга қўра, бундан буён

терма жамоалар мураббийлари ўртоқлик учрашувларида олтидан ортиқ ўйинчи алмаштиришолмайди. Лекин ФИФА президенти Йозеф Блаттер бу меърини бештага қисқартириш лозимлигини таъкидлаган эди. Аммо иттифоқ аъзолари захира имкониятининг олтига бўлишини маълумлашди. Сўнгги вақтларда жарима тўлини тепиш пайтида ўрнатилган «жонли девор»да турган футболчиларнинг тўпга яқинлашиш ҳолатлари кўп кузатилаётган эди. Эндиликда бундай жамоани муносиб жазо қутади. Агарда жонли девор белгиланган ҳизикдан тўпга яқинлашса, чақамлар аксинча жарима тўлини дарвоза томон яқинлаштириши мумкин. Янгиликлардан яна бири — голиб нишонлаш ҳақида қабул қилинди. Эътибор берган бўлсангиз, футболчилар голиб нишонлаш борасида ҳам бир-биридан ажралиб туришга ҳаракат қилишади. Кимдир салто қилади, кимдир рақс тўшади, яна кимдир майкасини ечади. Бундан буён голиб сўнг майкани ечиш тақиқланади. Майкани кўраккача кўтариш бундан мустасно. Агар кийим билан юз ёпилса, бошдан ўтказилса ва бутунлай ечилса футболчи дарҳол оғолантириш олади. Яна бир неча масалалар юзасидан янги қондалар жорий этилиши мумкин. Жумладан, таймлар орасидаги таънафусни узайтириш, дарвозаларни кенгайтириш, ўйиндан ташқари ҳолатни аниқлаш... Барча қўлайликлар чекловлар футболнинг янада адолатли ва жозибали бўлишига хизмат қилиши шубҳасиз. Анвар САМАДОВ

«ЎЗДАВАРХИТЕКТЎРИЛИШ» ҚЎМИТАСИНING ҚУРИЛИШДА ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ВА НАРХЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ ХУДУДИЙ КОНСАЛТИНГ МАРКАЗИ ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЎТКАЗИЛИШНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ: 1. Термиз тумани «Уқизил» қўрғонида II-тип болалар спорт иншоотининг фойдаланишга тайёр ҳолда қурилиши. Қурилиш ишларини бажариш мuddати — 247 кун. 2. Ангор тумани «Ўзбекистон мустақиллиги 10 йиллиги» ш/х даги V-тип болалар спорт иншоотининг фойдаланишга тайёр ҳолда қурилиши. Қурилиш ишларини бажариш мuddати — 240 кун. 3. Олтинсой тумани Қорлик қишлоғидаги V-тип болалар спорт иншоотининг фойдаланишга тайёр ҳолда қурилиши. Қурилиш ишларини бажариш мuddати — 240 кун. 4. Шўрчи тумани А.Сафаров номи ш/х даги V-тип болалар спорт иншоотининг фойдаланишга тайёр ҳолда қурилиши. Қурилиш ишларини бажариш мuddати — 240 кун. 5. Термиз шаҳридаги Олимпия захиралари спорт комплексининг 2-навбатини фойдаланишга тайёр ҳолда қурилиши. Қурилиш ишларини бажариш мuddати — 337 кун. 6. Термиз тумани «Намий» ш/х «Қарамон» маҳалласидаги 50 қатновга мўлжалланган II-тип қишлоқ врачлик пунктини фойдаланишга тайёр ҳолда қурилиши. Қурилиш ишларини бажариш мuddати — 144 кун. 7. Узун тумани «Сарҳаркат» ш/х «Қушқок» маҳалласидаги қатновга мўлжалланган II-тип қишлоқ врачлик пунктини фойдаланишга тайёр ҳолда қурилиши. Қурилиш ишларини бажариш мuddати — 144 кун. 8. Денос тумани С.Раҳимов номи ш/х «Бодибозо» маҳалласидаги 50 қатновга мўлжалланган II-тип қишлоқ врачлик пунктини фойдаланишга тайёр ҳолда қурилиши. Қурилиш ишларини бажариш мuddати — 144 кун. 9. Қумқўрғон тумани «Ўзбекистон» ш/хдаги 50 қатновга мўлжалланган II-тип қишлоқ врачлик пунктини фойдаланишга тайёр ҳолда қурилиши. Қурилиш ишларини бажариш мuddати — 144 кун. Тақлифлар очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб 30 кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади: Термиз шаҳар, А.Бақуменко кўчаси 5-уй.

«YANGIOBOD IXTISOSLASHGAN BOZORI» очик акциядорлик жамияти акциядорлари диққатига! 2004 йил 3 ноябрь куни жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий мажлисида қуйидаги кун тартиби қабул қилинди: 1. Жамият Кузатув кенгаши таркибига қуйидагича ўзгартиришлар киритилсин: 1.1. Жамият Кузатув кенгаши аъзолари О.Тўйчибоев ва О.Саидохмедовлар ўз розилигига асосан Кузатув кенгаши аъзоллигидан чиқарилсин. 1.2. Жамиятнинг Кузатув кенгаши аъзолиги лавозимига Ф.Мирхайдаров, Х.А.Содиқов, А.М.Мухамедходжаев ва Л.Садуллаевлар номзодлари киритилсин. 2. Жамиятнинг 2003 йил молиявий-хўжалик ҳисоботи якуни бўйича аниқланган баланс қайтар тасдиқлансин. 3. Жамиятнинг 2003 йил молиявий-хўжалик ҳисоботи якуни бўйича соф фойдасининг 10 фоизи жамият захира жамғармасига ва 90 фоизи дивидендларга йўналтирилсин. 4. Жамиятнинг 2004 йил фаолияти учун жамият аудитори этиб «Аудит 11» хўсусий фирмаси тасдиқлансин. 5. Жамият Тафтиш комиссияси таркибига қуйидаги ўзгартиришлар киритилсин: 5.1. Тафтиш комиссия аъзоси Ж.Майлиева комиссия аъзолигидан чиқарилсин. 5.2. Тафтиш комиссия аъзоси этиб Н.Убайдуллаев номзоди киритилсин. 6. Жамият мулкчилик шаклини ўзгартириш Тошкент шаҳар ҳокими мурожаат этилгандан сўнг ҳокимнинг муносабати белгисига қўра амалга оширилсин. 7. Жамият Низомини ўзгартириш Тошкент шаҳар ҳокимига мурожаат этилгандан сўнг ҳокимнинг муносабати белгисига қўра амалга оширилсин.

Интер-спорт БОШ МУРАББИЙ МАСАЛАСИ КЎРИЛДИ Россия футбол уюшмаси ижрокўми мамлакат терма жамоаси бош мураббийи Георгий Ярцевнинг ишини қонқарсиз, деб топди. Бош мураббий йил охиригача ижрокўм бюросига терма жамоасининг 2006 йили ўтказиладиган жаҳон чемпионатидаги тайёрларлик режасини кўриб чиқиб, аниқ хулосага келиши мумкин экан. «Ярцевни лавозимидан четлатиш ҳақидаги фикрдан йироқман, — дейди Россия футбол уюшмаси президенти Вячеслав Колосков. — Ўйлайманки, терма жамоасининг жаҳон чемпионатидаги тайёрлаш билан боғлиқ режасининг мукамаллиги Ярцевнинг масаласини юшатиши мумкин». Мамлакат терма жамоаси олдида қандай бўлмасин жаҳон чемпионати финалига йўлланма олишдек муҳим вазифа турибди. Айни пайтда Россия футболчилари жаҳон чемпионатининг саралаш гуруҳида учинчи пөгонани банд этишган. Улар Словакияга учта, Португалияга б очко бой беришган.

Ҳикматли сўзлар маъноси СЎНГИ ПУШАЙМОН — ЎЗИНГА ДУШМАН «Сўнги пушаймондан наф қилмас»; «Пушаймондан фойда йўқ»; «Кейинги аттангни мол өйди»; «Иш ўтгач, бошни тошга ур, ё тошни бошга ур». Бу мақоллар билан: «Қиладиган ишингни, гапирадиган гапингни олдин ойлаб ўйлаб ол, бошқалар билан маслаҳатлаш, билмаганингни сўра. Акс ҳолда оқибати чакки бўлиб чиқди. Кейин аттанг дебр, пушаймон бўлиб ўтиришинг ҳеч бир фойдаси йўқ», деган маънода насихат қилдилар. СЎЙМА САККИЗНИ, СЎЙГИЛ СЕМИЗНИ Бу билан: «Сақизта ориқ молни сўйгандан битта семизини сўйган яхши», деб чорва молларни ҳуда-беҳудага сўйиб юборавермаслик, яхшилаб боқиб семиртириш, тежамкор бўлиш зарурлигини ўқирадилар.

BOSH MUHARRIR: Safar OSTONOV TAHRIR HAY'ATI: Abdulla ORIPOV Asliddin RUSTAMOV Ashur QODIROV Bobir ALIMOV Habib SA'DULLA Norbobo SHAKAROV (Bosh muharrir o'rinbosari) Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o'rinbosari) Andrey ORLOV (Bosh muharrir o'rinbosari «Golos Uzbekistana») Nomez SA'DULLAYEV To'lepbbergen QAIPBERGENOV Musiliddin MUHIDDINOV Olim MURODOV Abdug'ani MAMASODIQOV (Mas'ul kotib) MUASSIS: O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI BO'LIMLAR: Siyosat, partiya va xalqaro hayot 133-44-55 Ma'naviyat va ma'rifati 133-69-45 Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36 Parlament va huquq 133-76-21 Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-98 Xaitlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks) Mas'ul kotib 133-72-83 Reklama va e'lonlar 133-38-55, 133-47-80 VILOYAT MUXBIRLARI: Andijonda — 25-32-70 Buxoroda — 222-10-92 Gulistonda — 25-03-80 Jizzaxda — 5-49-85 Navoiyda — 3-39-20 Namangonda — 6-43-43 Nukusda — 222-70-15 Samarqandda — 35-20-54 Urganchda — 226-51-35 Farg'onada — 26-43-62 Termizda — 3-79-98 MANZILIMIZ: 700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY. Navbatchesi: Erkin XOLBOYEV Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi. Sahifalovchi-dasturchi: Ikromjon ISMOILOV «Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxonani manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy. Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 008-raqam bilan ro'yxatga olingan. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib boshish faqat ta'biriy ruxsati bilan amalga oshiriladi. I — 257 12757 nusxada bosildi I — Tijorat materiali O'za yakuni — 24.00 Topshirish vaqti: 02.00 1 2 3 5 6 Sofuvda erkin narxda